БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган

1990 йил 28 август Сешанба
№ 162 (13.598).
Баҳоси 3 тийин.

• ЎЗБЕКИСТОН ЛКЁИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИНИНГ БОШ НАШРИ •

## Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси бюросида

Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси бюросининг навбатдаги мажлисида мазкур йилнинг ноябрь ойида бўладиган Ўзбекистон ЛКЁИ XXIV съездига тайёргарлик масаласи кўриб чиқилди. Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитасининг съездга маърузасининг тузилиши тасдиқланди. Ўзбекистон ёшларининг ижтимоий аҳволи, эҳтиёжи ва ёшлар сиёсати; ёшларининг ижтимоий ҳимояланиши ва фуқаровий ташаббусларига Ўзбекистон ЛКЁИ кафолати; комсомол жаҳон ва миллий маданиятнинг барча бойликларини ёшлар ўзлаштириб олиши тарафдори эканлиги; Ўзбекистон комсомолининг янги моделига ўтиш; жумҳурият комсомолининг асосий мақсади — Коммунистик фирқа билан ғоявий бирлик ва сиёсий иттифоқ асосида мустақил ва гуллаб-яшнаган Ўзбекистон тарафдори сингари беш бўлимдан иборат бўлади.

Комсомол қўмиталарининг ваколат муддатлари тугаши муносабати билан комсомол гуруҳларида, бошланғич ташкилот ҳуқуқига эга бўлган ташкилотларда, бошланғич комсомол ташкилотларида ҳисобот-сайлов йиғилишлари ва конференцияларини ўтказишга қарор қилинди. Вилоят комсомол қўмиталарига шаҳар ва ноҳия комсомол қўмиталарининг таклифи бўйича жойлардаги аниқ шарт-шароитлардан келиб чиқиб, йиғилишлар ўтказишнинг муддатлари ва навбатларини мустақил белгилаш таклиф этилди. Мазкур ҳисобот-сайлов мавсумининг аҳамиятига юқори баҳо берилди. У Ўзбекистон комсомоли фаолиятини қайта шакллантириш жараёнида муҳим роль ўйнайди. Бюро Марказий Қўмита аъзолари ва аъзоликка номзодлари, барча даражадаги халқ депутатлари йиғилишлар, конференциялар ишида иштирок этиши зарур, деб ҳисоблайди. Марказий Қўмита VIII пленуми қарорларига мувофиқ комсомол қўмиталарига Ўзбекистон ЛКЁИнинг Ҳаракатнома ва Устави лойиҳаларини йиғилишларда ҳамда конференцияларда муҳокама қилиш, Ўзбекистон комсомоли XXIV съездига делегатликка номзодлар кўрсатиш, жумҳурият комсомол ташкилотининг раҳбар органлари таркиби юзасидан таклифлар киритиш комсомол қўмиталарига тавсия этилди.

Тажрибани янада такомиллаштириш мақсадида 1990 йил январида тузилган Ўзбекистон тайёра ходимлари бошланғич комсомол ташкилотлари бирлашмасини жумҳурият комсомол Марказий Қўмитасига бевосита бўйсунувчи Ўзбекистон тайёра ходимларининг комсомол ташкилоти бирлашмасига айлантириш тўғрисида қарор қабул қилинди. Ўзбекистон тайёра ходимларининг бирлашган комсомол ташкилотига 1991 йилнинг январидан бошлаб БЛКЁИ аъзолари ҳисобининг янги системасига ўтишга ва унга комсомол ҳужжатларини бериш ҳуқуқига ижозат этилди.

Вилоят комсомол қўмиталари ҳисоб ва статистика шўъбалари мудирлари семинар-йиғилиши қатнашчиларининг таклифларини эътиборга олиб, Марказий Қўмита бюроси «БЛКЁИ аъзоларининг ҳисоби ва Ўзбекистон жумҳурият комсомол ташкилотининг комсомол ҳужжатларини бериш тартиби тўғрисида»ги Йўриқномасига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида қарор қабул қилди. БЛКЁИ аъзоларининг ҳисоби янги системасига ўтиш юзасидан ташкилий-техник тадбирлар режаси муҳокама этилди.

Ноширлик фаолиятининг самарадорлигини ошириш мақсадида Марказий Қўмита бюросида «Ёш гвардия» нашриёти ва матбаа комбинатини Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитасининг «Ёш гвардия» ноширлик-матбаа бирлашмасига айлантириб қайта тузиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Шу мақсадда Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитасининг комиссияси ташкил этилиб, «Ёш гвардия» ноширлик-матбаа бирлашмасининг жамоасини шакллантириш ҳамда 1991 йил 1 январдан бирлашманинг ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил этиш топширилди.

Бюро комсомол органлар аппаратлари ходимларини моддий рағбатлантириш ва меҳнатга ҳақ тўлашнинг бир қатор масалалари тўғрисида қарор қабул қилди. Вилоят, шаҳар, ноҳия комсомол қўмиталарига аппарат ходимларини уларнинг шахсий қўшган ҳиссаларини эътиборга олиш билан тасдиқланган меҳнат ҳақи фонди доирасида амалда иқтисод қилиб қолинган пул маблағлари ҳисобидан чекланмаган ҳажмда мукофотлашга ижозат этилди. Тасдиқланган бюджет фонди доирасида юксак касб-кор даражаси ва малакаси учун аппарат ходимларининг маошига лавозим окладининг 50 фоизи ҳажмигача қўшимча беришни жорий этиш мақсадга мувофиқлиги таъкидланди.

Бюро мажлисида Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси ва театр жамиятининг қўллаб-қувватлашда Ёшлар уйи базасида тузилган «Илҳом» театр-студия жумҳуриятда театр санъатининг ривожига реал ҳисса қўшаётганлиги таъкидланди. Бироқ, «Илҳом» театр-студия биносини капитал таъмирлаш зарурлиги муносабати билан жамоанинг иш шароити ғоят оғир. Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси театр-студияни бекаму-кўст таъмирлашни амалга ошириш ташаббуси билан чиқди. Сарф-харажатларга келганда унга жумҳурият театр арбоблари уюшмаси ва Ўзбекистон ССР Маданият вазирлиги ўз улушини қўшадиган бўлди. Ана шу мақсадга комсомол Марказий Қўмитаси бюжетидан 50 минг сўм ажратишга қарор қилинди.

Шу сонга хабар

### Яхшиси, чекишни ташланг

МАМЛАКАТИМИЗДА, қолаверса жумҳуриятимизда халқ истеъмол моллари, кундалик харид моллари турлари тобора камайиб бормоқда. Озиқ-овқат маҳсулотлари у ёқда турсин, ҳаттоки тамаки маҳсулотлари ҳам дўкон пештахталарида йўқлигини нима билан изоҳлаш мумкин.

Гарчанд савдо шахобчаларида тамаки ва папирослар камайсада, чекувчилар барибир чекишяпти-ку? Яна савдогарларнинг иши юришиб қолди. Бир дона «Мовий гумбазлар» 1,5-2 сўм, оддий «Астра» ёки «Прима» сигаретларининг нархи эса 1 сўмдан.

Рўзномамизга кўпдан-кўп чекувчилар қўнғироқ қилишиб, тамаки танқислигининг сабабларини билиб беришимизни илтимос қилишяпти. Уларнинг илтимосларини инобатга олиб, Тошкент тамаки фабрикасига қўнғироқ қилдик. Телефон дастагини фабрика таъминот бўлими бошлиғи Карим ТОЛИПОВ кўтарди.

— Чекувчиларнинг таъналари ўринли, — гапимизни маъқуллади Карим Толипов. — Биз тамаки маҳсулотларининг асосий қисмини Тошкент шаҳар ижроия қўмитаси савдо бош бошқармасининг кўрсатмасига мувофиқ саноат корхоналарига жўнатяпмиз.

Суҳбатдан шу нарса маълум бўлдики, фабрика ҳам тўла қувват билан ишламаётган экан. Ўтган етти ой мобайнида пландаги 3 миллиард 167 миллион дона ўрнига, 2 миллиард 576 миллион дона сигарет ва папирослар ишлаб чиқарилибди. Топшириқнинг бажарилмаслигини фабрика масъул ходимлари Арманистондан фильтрлар ўз вақтида етказиб берилмаётганлиги, малакали ишчилар, мутахассисларнинг етишмаслиги ҳамда хориждан келтирилган асбоб-ускуналарга эҳтиёт қисмлари етишмаётганлиги билан изоҳлашади.

**Чекиш — инсон организми учун ўта зарарлидир. Шундай экан, дўконма-дўкон тамаки қидириб юрмай, яхшиси чекишни ташланг. Ана шунда оқилона иш қилган бўласиз.**

### Дўстим, қани кетдик саёҳатга

ЖУМҲУРИЯТИМИЗНИНГ бепоён пахта далалари-ю, боғ-роғларида, саноат қурилишлари-ю, илмий даргоҳларида меҳнат қилаётган юзлаб ёш йигит-қизлар ўзларининг меҳнат таътилларини иложи борича кўнгилли ва ёқимли ўтказишга интилаётирлар.

Ёшларнинг дам олишларини кўнгилли ўтказишда жумҳурият «Спутник» халқаро ёшлар саёҳат бюроси жамоасининг олиб бораётган ишлари, айниқса, диққатга сазовордир.

— Ўтган ярим йиллик давомида, — дейди шу жамоанинг чет элга жўнатиш бўлими мудири Турсунхўжа Жалолов. — Беш ярим мингга яқин йигит-қиз хорижий давлатларда бўлиб қайтишди. Ана шуларнинг 560 таси капиталистик мамлакатларга тўғри келади.

Айни кунда 35 кишилик ёшлар гуруҳи 30 августда Ҳиндистонга жўнаб кетиш ҳозирлигини кўраётир. 17 сентябрда эса 40 кишилик гуруҳ Дунай денгизи соҳиллари бўйлаб саёҳатга чиқади. Улар Венгрия, Югославия, Руминия, Болгария ҳамда Австрия мамлакатлари халқларининг яшаш тарзи, ҳаёти ва бой маданияти билан танишиб қайтадилар.

Кимда-ким хорижий давлатларга саёҳатга отланишни истаса «Спутник» халқаро ёшлар туризми бюросининг вилоятлардаги ташкилотларига мурожаат қилсин.

### Манзилингиз яқин бўлсин

ТОШКЕНТ МЕТРОСИ қачон очилганини биласизми? Биламан дейсизми? Худди шундай. Ҳа, ҳа, дастлабки поезд ҳаракати 1977 йил 6 ноябрда йўлга қўйилди.

Ана шу ўтган давр мобайнида 1 миллиард 271 миллион 823 минг 871 киши унинг хизматидан баҳраманд бўлди. Метро жамоаси ишчилари ҳар куни ўртача 350—370 минг кишини манзилини яқин қилаётир.

Ҳозирги кунда «Ўзбекистон» йўналиши бўйлаб бунёд этилаётган «Тинчлик» ва «Беруний» станцияларида бунёдкорлик ишлари жадаллик билан олиб борилаётир. Узунлиги 3 километр атрофида бўлган бу икки станция декабрь ойларида фойдаланишга топширилиши кўзда тутилаётир.

Шунингдек, Юнусобод даҳасига ҳам метро йўналиши ўтказилиши жадаллашаётир. Узунлиги 10 километр бўлган бу йўналишда 7 та станция қурилади. Айни кунда станцияларда қурилиш ишлари тезкорлик билан олиб борилаётир.

### Бўлар экан-ку?

ФАРҒОНАДАГИ «Синопис» фирмаси горчичниклар ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. Мазкур қўшма корхонани Фарғонадаги «Фармация» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Қизил крест ва Қизил ярим ой жамиятининг вилоят бўлими ҳамда «Шифокор» кооперативи биргаликда ташкил қилди. Бу ерда йилига 50 минг ўрамгача горчичник тайёрлаш режалаштирилмоқда. Бундай қилиниши вилоят аҳолисининг ушбу даволаш воситасига бўлган талабини анча қондириш имконини беради. Корхона яқин истиқболда ширкат асосида ногиронлар аравачалари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ниятида.

### Пахта учун валюта

ХОРАЗМДАГИ «Пахта» ширкати билан Англия фирмаларидан бири ташкил қилган «Хоралт» қўшма корхонаси Буюк Британияга жўнатиш учун пахта туркумини тайёрлаб қўйди. Бу — чет элга биринчи бор пахта етказиб берилиши эмас. Ўтган йили денгиз ортига 100 тонна маҳсулот жўнатилган эди.

— Бунинг эвазига биз валюта ва чет элда ишлаб чиқарилган пахта тозалаш ускуналари олаяпмиз, — дейди кооператив раиси Д. Душамов. — Биз инглизлар билан узоқ вақт ҳамкорлик қилиш ниятидамиз. Чунки бизда хом ашё борасида деярли муаммо йўқ: биз уни Хоразм пахта тозалаш заводларидан, шунингдек, Туркманистоннинг Тошовуз вилоятидан олаяпмиз.

### Нон—дастурхонимиз кўрки

«Фарғонахлебпром» ишлаб чиқариш бирлашмасининг корхоналари энди йилига олти юз тоннагача қандолат маҳсулотлари тайёрлайди. Бу печенье, вафли ва кремли бисквит тортлари тайёрланадиган янги цехнинг фойдаланишга топширилиши билан боғлиқдир.

Бирлашма жамоаси ишлаб чиқариш қувватларини муттасил ўстириб бормоқда. Ҳозир янги нон заводи қурилиши тугалланяпти. Бу заводда бир кеча-кундузда 45 тоннагача нонбулка маҳсулотлари ёпилади.

Вилоят марказида колхоз бозори ёнида кулча нон ёпиладиган цех қурилаяпти. Бу ерда кеча-кундузда уч тонна нон тайёрланади. Бу хусусий новвойлар кўтариб юборган нархларни тушириш имконини беради.

Замондан орқада қолмаётган новвойлар меҳнатни ташкил қилишнинг янги шаклларини ўзлаштирмоқдалар. Учта цех жамоаси ижара усулида ишлай бошлаганига яқинда икки ой бўлади. Йил охирига бориб, бирлашма барча корхоналарининг ижара усулига ўтиши кутилмоқда.

### Давлат хўжалиги ҳисобига

ПАСТДАРҒОМ ноҳиясидаги Ленин номли давлат хўжалиги жамоаси 60 ўринли профилакторий қуришга қарор қилди. Лойиҳа ҳужжатлари тайёрланди ва яқин вақт ичида хўжалик қурувчилари иш бошлашади.

Янги шифохона хўжаликнинг энг кўркам жойларидан бирида бунёд этилади.

### Билиб қўйган яхши

КУНДУЗГИ электр лампалари қаттиқ бош оғриғининг асосий сабаби бўлиши мумкин. Кембриж дорилфунуни тиббиёт тадқиқот маркази ҳузуридаги амалий психология бўлимининг ходими Арнольд Уилкинс ана шу ҳақда гапирди. У агар одамлар кундузги электр лампалари липиллашини сезмасалар ҳам, улар барибир кўзга таъсир қилади, деб ҳисоблайди. Натижада кундузги электр лампали бинода узоқ вақт бўлганда одамларнинг кўзи чарчайди, бош оғриғи бошланади. Баъзи ҳолларда юрак уриши тезлашади. Олимнинг фикрича, компьютерлар терминаллари ҳам одам организмига худди шундай таъсир кўрсатади.

Доктор Уилкинс кундузги электр лампаларини замонавий чўғланма лампалар билан алмаштириш зарур, бундай лампаларнинг самарадорлиги анча оширилиши мумкин, деб ҳисоблайди.

АЁЛнинг ҳомиладорлик даврида касалланиши келгусида унинг фарзанди шизофрения (руҳий касалликнинг бир тури)га чалинишининг сабабларидан бири бўлиши мумкин. Лондон қироллик коллежи психиатрия институтининг профессори Робин Мэррей шундай тахминни билдирди. У 1958 йилда Англияда туғилган болалар орасида шизофрения билан касалланиш ғоят юқори даражада бўлганлигига асосланиб шундай хулосага келди.

Профессорнинг айтишича қиш чилласида туғилган болалар шизофрения касаллигига кўпроқ чалинадилар. Чунки йилнинг шу вақтида шамоллаш ва вирусли касалликлар энг кўп тарқалади.


**Шу сонга хабарлар СИТА, ЎзТАГ ва «Ёш ленинчи» махсус мухбири З. ОРТИҚХЎЖАЕВ томонидан тайёрланди.**

Шу сонга хабар

## Санъат сарҳад билмайди



### Белоруссияда ўзбек оҳанглари



ҚАДИМ-ҚАДИМДАН санъат халқлар ўртасидаги дўстлик, бирдамлик ришталарини боғловчи омил бўлиб келган. Бу борадаги турли учрашувлар, ижодий мулоқотлар, ҳамкорликлар халқларнинг маданиятини юксалтиришга ҳисса қўшган. Буни азалий одатлар бўлмиш адабиёт ва санъат декадалари, маданият кунлари мисолида кўриш мумкин. Лекин шуни ҳам айтиш керакки, кейинги вақтларда бу тадбирларга ҳам ҳайбаракаллачилик таъсир ўтказмай қолмади, албатта. Турғунлик йилларида ҳаддан ташқари бўяб кўрсатиш, юзакичилик пайдо бўлганди.

Қайта қуриш, ошкораликнинг ўзига хос ҳислатлари ҳозир санъат оламига ҳам кириб келаяпти. Эндиги бундай тадбирлар аввалгилари каби катта саҳналарда, саройларда эмас, кўпроқ халқ ичида, меҳнаткашлар ўртасида жумҳуриятларнинг энг чекка ноҳияларида ҳам ўтказилади. Яқинда Белоруссияда ўтган Ўзбекистон халқ ижодиёти кунлари ана шундай тус олди. Жумҳурият бадиий ҳаваскорлик жамоаларининг ижодий бригадаси орасида Фарғона вилоятининг Қува ноҳиясидаги «Анор», Хоразм вилоятининг «Хумор» халқ фольклор этнографик дасталари ҳамда турли ноҳиялардан 70 дан зиёд ҳаваскорлар бор эди.

— Аввалги йилларда ўтказилган шундай тадбирлардан фарқли равишда ижодий жамоа катта майдон ва концерт залларида эмас, балки энг чекка жойларда санъатимизни намойиш этдик, — дейди программа бош режиссёри Т. Мансуров. — Жам бўлиш учун Слуцкий ноҳиясини танлаб, концертларни асосан очиқ ҳавода ўтказдик

Халқимизнинг ўзига хос жозибали санъати бу сафар ҳам юзлаб дилларни ром этди. Юракларга завқ улашди. Одамлар кўп ҳолларда залларга сиғмай кетганига суратлар гувоҳ. Дўстлик тадбирига қатнашганларнинг олдиндан пухта тайёргарлик кўришгани ҳам яхши бўлди. Тайёрланган программа жуда пухта эди. Ундан дилрабо куй ҳам, жозибали шўх рақс ҳам, майин классик қўшиқлар ҳам ўрин олганди. Ҳар бир концертнинг олдидан турли халқ удумларимизнинг кўрсатилиши, таништирилиши томошабинлар сонининг ошишига омил бўлди. Қизиқувчиларни кўпайтирди. Қўқон халқ цирк жамоаси дорбозларининг чиқишларини эса ҳамма ерда бирдек илиқ кутиб олдилар. Чиндан ҳам дорбозлик санъатидаги такрорланмас зукколик, ҳаракатлардаги чаққонлик ҳар қандай киши диққатини мафтун этиши шубҳасиз.




Бу мафтункорлик халқ ижодиёти кунларининг якунловчи концертида яна ҳам яққолроқ намоён бўлди. Чунки Слуцкий марказий маданият ва истироҳат боғида бўлган якунловчи концерт чинакам байрам тусини олди. Шўх ўзбек куй-қўшиқларига ноҳия бадиий ҳаваскорлик жамоалари ҳам қўшилишди. Куйлар куйга, қўшиқлар қўшиққа уланди. Шу зайл икки халқ ўртасидаги дўстлик ришталари янада мустаҳкамланди. Раққоса қизнинг атлас кўйлаги жилосидан, миллий зар дўпписининг жилвасидан кўзлари қамашган белорус санъат мухлислари меҳмонларни муваффақиятлар тилаб кузатиб қолишди.

АНА ШУНДАЙ Ўзбекистон халқ ижодиёти кунларини яна Қозоғистонда ўтказиш мўлжалланмоқда. Наманганда эса тожикистонлик санъаткорлар ўз истеъдодларини намойиш қилишади. Бундай тадбирлар миллатлар ўртасидаги нифоқларни тугатибгина қолмай, халқлар ўртасига меҳр-муҳаббат уруғини сочади. Чунки санъат сарҳад билмаганидек дўстликнинг қудрати ҳам чексиздир.

**СУРАТЛАРДА: Белоруссияда Ўзбекистон халқ ижодиёти кунлари байрамидан лаҳзалар акс этган.**

Сураткаш И. КОНЬКОВ.





Илгарилари пештахталар чинни идишларни кўтаролмай, синай-синай деб турадиган савдо расталари бугун ҳувиллаб ётибди. Бошқа кундалик уй-рўзғор буюмлари сингари чинни маҳсулотлари ҳам инқироз юз тутган. Юқоридаги сатрларимизни ўқиган кувасойлик, тошкентлик чиннисозларимиз биздан ўксинишмасин. Ушбу суратга разм солган муштарий ҳам бизни маъзур тутсин. Корхоналаримизда чинни идишларни ишлаб чиқариш режалари бажарилаяпти. Қўли гул наққошлар, чиннисозлар суръатини бўшаштирмай меҳнат қилишаяпти. Бироқ... ким билади, дейсиз? Балки, тақсимотдаги номутаносиблик туфайлими ёки эҳтиёж ортиб бораётганиданми, бундай миллий буюмларни топиш амри маҳол.

СУРАТДА: Кувасой чинни буюмлар ишлаб чиқариш бирлашмасининг наққошлари Мавжуда Отажонова, Турсуной Аҳмедова, Ҳафиза Бобоева ҳамда Хурсандой Содиқоваларни кўриб турибсиз.

А. МИРЗАЖОН сурати.

Бизни ўйлантираётган муаммолар

# МАЪНАВИЙ ҚАШШОҚЛИК

Мен маънавиятнинг энг кичик жабҳаси бўлган дам олиш ҳақида айрим фикр-мулоҳазаларимни баён қилмоқчиман.

Бу йил мен Тошкент Давлат дорилфунунининг география куллиёти талабалари билан ўқув-дала амалий ишларини Бўстонлиқ ноҳиясининг Сижжак қишлоғи атрофларида ўтказдим. Чорвоқ сув омбори бўйида, атрофлардаги сойлар, тоғларда бўлдим. Табиатимиз қандай гўзал, улуғвор. Мусаффо ҳаво, зилол сувларни, тоғлар манзарасини кўриб дил очилади, кўнгил кувнайди.

Бироқ... Ҳа, ана шу бироғи бор. Бу ерларга кўпроқ азим Тошкентдан ёз фаслида, айниқса, ҳордиқ кунлари дам олувчилар жуда кўп келишар экан. Келишса нима бўлибди, меҳнат қилгандан кейин дам олиш ҳам керак-ку. Ёзда бизнинг иқлим шароитида қизиб кетган шаҳарда дам олиб ҳам бўлармиди.

Афсуски, биз дам олишни ҳам, табиатга қандай муносабатда бўлишни ҳам билмаймиз, тўғрироғи, унутиб юборганмиз. Менинг онам ҳордиқ чиқариш учун далаларга сайлларга боришгани, қандай дам олишгани ҳақида сўзлаб берганлар. Ҳозир 91 ёшдалар. Улар қўни-қўшнилар ёки қариндош-уруғлар билан биргаликда араваларга тушиб далага боришар экан. У ерда ёшлар йигит-қизлар билан, болалар болалар билан, катталар катталар билан гуруҳ-гуруҳ бўлиб ўтиришар, еб-ичишар экан. Келиш олдидан ҳамма ёқни йиғиштириб, супуриб-тозалаб, саранжом қилиб, сўнг қайтиб келишар экан. Баҳор кунлари сайлга боришганида мева кўчатлари, гуллар, кўкатлар экиб, ёзда эса мевалар теришиб, боғбонларга ёрдамлашар эканлар.

Мен июль ойининг 15 куни давомида Сижжак қишлоғида Чорвоқ сув омбори бўйида, Наволисойда бир қанча гуруҳ дам олувчиларни кўрдим. Дам олувчилар жума куни кечқурун ёки шанба куни эрта билан келишади. Ҳордиқ куни кечқурун кетишади. Дам олувчиларнинг кўпчилиги ёшлар. Катта ёшдагилар жуда кам. Гўёки катта ёшдагилар меҳнат қилиб чарчашмаганга ўхшайди.

Бизнинг лагерга қўшни бўлган хонадон боғида «ҳордиқ» чиқарган бир гуруҳ ёшларнинг қандай дам олганини баён қилиб бермоқчиман. Чунки бундай дам олиш кўпчилик ёш «ҳордиқ чиқарувчилар» учун айнан хосдир. Улар беш киши бўлиб, шанба куни эрталаб соат ўнларда келишди. Йигитлар ечиниб, фақат калта иштонда қолишди. Ахир бу ер чўмилиш жойи эмас-ку. Хонадон. Хонадонда аёллар, болалар бор. Шундан кейин халталардан магнитафон, шиша-шиша арақлар, сувлар олиниб, қутига солиб қўйилди. Хонадондан қўра олинди, унга ўт ёқиб қўйилди. Дастурхон ёзилиб, шакароб тайёрланди, шишалар очилди ва қиттай-қиттай бошланди. Гўё бу яқин атрофда бошқа кишилар йўқдек магнитафон варанглатиб қўйилди. Сиз ёқимли ўзбек классик куйлари қўйилди деб ўйларсиз, асло ундай эмас. Хорижнинг энг ашаддий эстрадаси. Бу йигитлар ҳатто қайси халқ тилида қўшиқ куйланаётганини ҳам билишмайди. Такрор-такрор эшитаверишади. Куйнинг маъноси ҳам, такрорланиши ҳам йигитларни қизиқтирмайди, улар «гирт» бўлиб олишган. Энди улар учун атрофда бетоблар борлиги ҳам, талабалар ўқув ишлари билан бандлиги ҳам, аёллар, қизлар борлиги ҳам бефарқ бўлди. Оғизларига қандай сўз келса, ҳеч тортинмай бақириб-чақириб айтиша берди.

Кеч бўлди. Одатда талабаларимиз кеч соат 11 да тунгги ҳордиқни бошлашади. Дам олувчи йигитлардан магнитафонни пасайтиришни илтимос қилдик. Қани энди уларга буни тушунтириб бўлса. Бу ҳам ўтди. Соат тунгги уч ярим-тўртларда бир одамнинг вой-войлаб инграганидан уйғондим. Мен талабалардан бирининг тоби қочиб қолдими, деб хавотирланиб ўрнимдан туриб, чодирдан чиқдим. Талабалар ухлаяпти. Бояги «дам олувчи»лардан бири арақдан заҳарланиб қолибди. Тонг отгунча қийналди. Сўнг ўзига келди.

Эрталаб соат 9 ларда ўрнидан туриб, йигитлар дам олишни кечагидек бошлашди. Кечқурун ҳаммалари ширакайф ҳолда Тошкентга қайтишди. Энди улар душанба куни «янги куч-қувват» билан меҳнат ҳафтасини бошлашса керак. Бу тасодиф ҳодиса эмас. «Дам олувчи» ёшларнинг деярли ҳаммаси шундай аҳволда. Мен жуда ҳайронман, ёшларимиз нега бундай бўлиб қолишди. Ёки дам олишга фақат шунақа ёшлар боришадими. Бу ҳақда ҳар бир ота-она ўйлаб кўриши керак. Токи фарзандларимиз меҳнат қилишни ҳам, ҳордиқ чиқаришни ҳам, миллий урф-одатларимизни, қолаверса, ўз соғлиғининг қимматини ҳам биладиган инсонлар бўлиб етишсин.

Фарзандларга тарбия бериш ота-онанинг вазифаси. Агар ҳар биримиз болалар тарбиясига лоқайд бўлсак, келажак авлод нима бўлади? Айрим ота-оналар фарзандлари воя етгандан кейин улар билан ишлари бўлмай қолади. Вақти-вақти билан насиҳат қилиб туриш ҳам керак. Кейинги йилларда жамоа тарбиясига эътибор бутунлай йўқолди. Олий ўқув юртларида биз кўпинча билим беришга аҳамият берамиз-ку, тарбия масаласи четда қолиб кетмоқда. Шунинг учун ҳам фарзандларимизнинг ҳақиқий одам бўлиши учун оилада ҳам, мактабда ҳам, олий ўқув юртларида ҳам, жамоада ҳам тарбия берилишига алоҳида эътибор қаратилиши лозим.

Юқорида табиатнинг гўзаллиги, мусаффолиги ҳақида эслатган эдим. Бу гўзаллик, мусаффолик ҳам нисбий. Сув омбори суви зилол. Бундай ўйлаб қарасангиз, чўмилсак уни ифлослаётгандек ҳис қиламиз. Ҳақиқатан ҳам бу сувдан Тошкентда, пойтахт вилоятида, Жанубий Қозоғистонда неча миллион киши ичади, бу кишилар учун ҳаёт чашмаси.

Омборлардаги сув июль ойининг иккинчи ярми ва августнинг биринчи ярмида суғоришга кўп сарфланганлиги учун унинг сатҳи аста-секин пасая боради. Агар сув омбори қирғоқлари бўйлаб, айниқса, ҳордиқ чиқарувчилар кўп бўладиган жойларда юрсангиз шиша парчаларининг кўплигини кўриб таажжуб қиласиз. Гўё бу ерга кишилар [illegible] учун келгандек. Ҳаммаёқ шиша синиқлари, бўшаган консерва банкалари. Шиша мўрт бўлади, синади, дерсиз, эҳтимол. Сувда эса, ўша миллионлаб одамлар ичадиган сувда, шампунь идишлари сузиб юради. Наҳотки сувни ифлослаш учун одамлар қўлларига нима тушса, кераксиз нимаси бўлса, шуни сувга отишлари керак.

Ёшлигимда, эсимда бор, бизнинг ҳовли Арпапоя даҳасида эди. Ҳовлимиздан кичкина арикча оқиб ўтарди. Бу арикча бир неча маҳаллдаги ҳовлилардан оқиб келарди. Бу арикчадан биз сув ичар эдик. Ойимлар опаларим ҳовли супуршаётганда арикқа қараб супурма, ҳовлини арик ёнидан бошлаб супур дердилар. Юз-қўлимизни ювмоқчи бўлсак, арикдан сув олиб, ундан нарироқда ювар эдик. Ҳозир эса миллионлаб одамлар ичадиган сувни, сув бўйини бунчалик ифлослайдиган одамлар қаердан келиб қолган эканлар, деб ўйлаб қоласан киши.

Умуман, ҳали биз ҳордиқ чиқаришни ҳам, табиат гўзалликларидан руҳий завқ олишни ҳам, табиатни муҳофаза қилишни ҳам билмаймиз. Чорвоқ сув омбори соҳилларига жуда кўп дам олиш уйлари, шифоланиш манзиллари, кашшофлар лагерлари қурилган. Уларнинг биронтасида чиқиндиларни тозалаш иншоотлари йўқ. Биз эса ичадиган сувимизни ҳеч тортинмай ифлослайверамиз.

Агар биз табиатга муносабатимизни ўзгартирмасак, Тошкентнинг шундай яқингинасидаги табиат дурдонасидан ажраб қолишимиз ҳеч гап эмас. Агар қисқа вақт ичида Чорвоқ сув омбори соҳили бўйлаб канализация қувурлари ўтказилмаса, чиқинди сувлар шу қувурлар орқали олиб кетилиб тозаланмаса, ҳозирча ичаётган тоза сувимизни ҳам худо кўп кўради. Тоза сув заҳарга айланади. Чорвоқ сув омбори ва унинг атрофида дам олиш ишларини тартибга солиш ҳозирги вақтдаги энг долзарб вазифадир.

Унумли меҳнатдан сўнг дам олишни билиш ҳам маънавият. Биз ҳозирча бу жиҳатдан бениҳоя қашшоқмиз.

**Потихкамол ҒУЛОМОВ,**
**ТошДД доценти.**

## ХУШХАБАРЛАР

**БУХОРО** вилояти Ғиждувон ноҳиясида жуда ўткир ижтимоий муаммони ҳал этишга киришилди. Бу ерда аҳолини иш билан таъминлаш масаласида мураккаб вазият вужудга келган. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, 5 мингдан зиёд ёш йигит-қиз ўзига кўнгилдагидек иш тополмаяпти. Лекин шу кузнинг ўзидаёқ ўрта мактабларни яқинда битирган 700 нафар йигит-қиз янги меҳнат жамоасининг аъзолари бўлишади. Ноҳияда пойабзал фабрикаси қурилиши тугалланмоқда.

Корхона йилига 800 минг жуфт болалар пойабзали ишлаб чиқара олади. Объектнинг лойиҳада белгиланган баҳоси — 5 миллион уч юз минг сўм.

Гарчи «Облагрострой»нинг 2-трестига қарашли Ғиждувондаги 206-хўжаликлараро механизациялаш г а н кўчма колонна бу ерда асосий бош пудратчи бўлсада, қурилишда вилоятнинг турли гўшалари — Шофиркон, Вобкент ва бошқа ноҳиялардан келган қурувчиларни ҳам учратиш мумкин. Қатъий графикдан орқада қолмаслик учун барча ишлар икки сменада олиб борилмоқда. Корхона Италия, Чехословакия, Югославиядан келтирилган ускуналар билан жиҳозланмоқда. Бўлажак пойабзалчилар Украина ва РСФСРдаги етакчи корхоналарда тайёргарликдан ўтдилар.

• • •

**ВЕРХНЕВОЛИНСКОЕДАГИ** тикувчилик-галантерея буюмлари фабрикасининг жамоаси йил бошидан буён пландан ташқари деярли 700 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди. Бу кўрсаткичга Андижон ва Бухородаги корхоналар газламаларни бир маромда етказиб бериб турмаган шароитда эришилди.

Шериклар ўтган ярим йилда газлама етказиб бериш планини атиги 70 фоиз бажариб, 400 минг сўмлик маҳсулотни кам етказиб бердилар.

Бундай мураккаб вазиятда тикувчилар мавжуд барча резервларни ишга солишга мажбур бўлдилар. Бу резервлар орасида асосийси — чиқиндисиз ишлаб чиқариш технологиясидир. Масалан, газламаларни махсус ускуна ёрдамида бичишга ўтиш жамоага анча хом ашёни тежаб қолиш имконини берди. Яқиндагина чиқинди сифатида ташлаб юбориладиган газламалардан жуда харидоргир бўлган болалар гарнитурлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Фабрикадагилар бозор муносабатларига ўтилганида маҳсулот таннархини пасайтиришга муваффақ бўлган жамоагина ютиб чиқиши мумкинлигини жуда яхши тушунадилар. Бундай натижага эса замонавий ускуналарсиз эришиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам ҳозир даромад асосан корхонани қайта жиҳозлашга сарфланмоқда. Сарфланган маблағ ўрнини ортиғи билан оқлашига бу ердагилар шубҳа қилишмаяпти.

Акс - садо

## Мантиқдан четланмайлик

(«ЁШ ЛЕНИНЧИ», 1990 ЙИЛ 11 АВГУСТ).

Мен ўша куюнчаклик билан ёзилган «Лениндан чалғимайлик» сарлавҳали мақолани ўқиб чиқдим. Мақола муаллифи ўрток Асадулла Ортиқовнинг кўп фикрларига қўшилиш мумкин. Мақола давлат мақоми берилган она тилимиз — ўзбек тилимизнинг келажакдаги равнақи учун ғам чекиб ёзилган.

Шундай бўлса-да, муаллифнинг ҳамма фикрига тўла-тўкис қўшилиб бўлмайди. Муаллиф Ленинга суяниб, «аслида ҳамма рус тилини ўрганиши шарт деган қонун йўқ. Лекин пайдо бўлган шароит бизни шунга мажбур қилиб қўйди», — деб тўғри хулоса қилган. Бунга Ленин вафотидан кейин доҳийликка даво қилган, ҳамма нарсани билгувчи, «халқлар отаси» деб сохта ном олган Сталиннинг «тил ҳақидаги назарияси» ва муносабати сабаб бўлди. Унинг фикрича, коммунизмда халқлар бир ёки бир неча тилда гаплашадилар, деб одамларни ишонтирмоқчи бўлди. Шу сабабли майда халқлар кўпининг тиллари йўқ бўлиб кетди, борлари бузилди, шу жумладан рус тилининг ўзига ҳам зарар етди. Ҳайрият қайта қуриш туфайли биз бу соҳаларда ҳам Ленинга қайтмоқдамиз. Эндиги вазифа, фикримча, шу аслига қайтишда ҳам эҳтиёт бўлишимиз, ҳаёт мантиғи қонун-қоидасига риоя қилишимиз лозим бўлади. Бўлмаса яна ютқазишимиз, «қош қўяман деб, кўз чиқаришимиз» мумкин.

Фикримча, келажакда Ўзбекистонимизни ҳар томонлама равнақи асосан қуйидаги омилларга боғлиқ: аввало давлат мақомини олган тилимиз — ўзбек тилини ҳар томонлама ривожлантиришимиз, мустаҳкамлашимиз, ҳамма ўзбекларни шу ўз она тилисини пухта билишига эришишимиз лозим: иккинчидан, жумҳуриятимиз, албатта ҳозирча СССР таркибида қолиши керак, эҳтимол узоқ келажакда Иттифоқдан тўла чиқиш имконияти яралар. Аммо ҳозирча Иттифоқ таркибида қолишимиз ва маълум мустақилликка эришишимиз лозим.

Ҳар қандай ҳолда ҳам биз рус тилини билишимиз керак бўлади. Такрорлайман. Ҳатто биз Иттифоқ таркибидан узоқ келажакда чиққан тақдиримизда ҳам биз рус тилида гаплашадиган халқлар билан дўстликни йўқотмаслигимиз, бу тилни ҳамма амалий жиҳатдан, ҳеч бўлмаса гаплаша оладиган тарзда билишимиз лозим. Бу келажакда мутахассислар етиштириш учун ҳам, оддий деҳқоннинг у ерларга бориб савдо-сотиқ қилиши учун ҳам зарурдир. Айрим мусулмон мамлакатларидаги аҳвол ҳам биздагига ўхшаб кетади. Масалан, Ислом динининг ватани бўлмиш Саудия Арабистони ҳам ўз ихтиёридан ташқари икки тиллик, яъни араб ва инглиз тили амалда ишлатиладиган мамлакатга айланиб қолганлиги ҳақида «Вокруг света» жаридасининг 1990 йил 7-сонида таъкидланади.

Шу боисдан юқоридагига ўхшаш ҳолат бизда ҳам вужудга келиб қолганига ортиқча ажабланмасак ҳам бўлади. Бизда иккинчи тилнинг ролини рус тили ўйнамоқда. Бунинг нимаси ёмон? Мен ёмон томонини кўрмаяпман.

Сир эмаски, бутун дунё халқлари рус тилини ўрганишга бўлган ҳавас ва ҳаракат ортаётган бир пайтда биз бундай ҳавасни совутиш томон борсак келажак авлод олдида катта хатога йўл қўйган бўламиз. Шу боисдан мен аслида «руслашган ўзбек» бўлмасам-да (тўғрисини айтганда бундай ибора қандайдир ҳақоратли туюлади), келажакда ўзбек ёшлари рус тилини ўрганишлари тарафдориман.

Энди жумҳуриятимизнинг келажакда барқ уриб ривожланиши учун жуда зарур бўлган учинчи омил — бошқа халқлар, биринчи навбатда, мусулмон мамлакатлари билан алоқани ўрнатиш ва уни ривожлантириш масаласидир. Маълумки, ленинча миллий сиёсатнинг бузилиши туфайли, биз араб алифбосига асосланган эски ўзбек ёзувидан маҳрум бўлиб қолдик. Натижада ўз тарихимизни ўз кўзимиз билан кўриш ва ёзиш имкониятидан маҳрум бўлдик. Қайта қуриш туфайли бу аҳвол ҳам тузатила бошланди. Лекин бу камчилик жуда секинлик билан тузатилмоқда.

Тўғри, 1990—91 ўқув йилидан мактабларнинг 3-4-синфларидан араб тилини ўрганишга факультатив машғулотлар тарзида бошланади деган хабарларни эшитмоқдамиз. Фикримча, келажакда ҳар бир ўзбек миллатига мансуб бўлган шахс ўз тилидан ташқари рус тили ва араб тилини билиши ҳаётий зарурат бўлиб қолса керак. Инглиз, немис, ҳинд, хитой каби бошқа тилларни ҳам айрим белгиланган мактабларда ўқитишни давом эттираверишк керак. Ҳаёт мантиғи шуни тақозо этади.

**Собиржон МАРАСУЛОВ,**
**уруш ва меҳнат ветерани, жумҳуриятда хизмат кўрсатган ўқитувчи.**
**Ленинск шаҳри.**

# Хорижадан хабарлар

## Телетайп лентасидан

БМТ. БМТ Хавфсизлик Кенгашининг бешта доимий аъзоси Ироққа нисбатан иқтисодий жазо чораларини қўлланиш учун кам куч ишлатиш тўғрисидаги резолюцияни қабул қилишга аслида тайёр турибди. Буюк Британия, Хитой, СССР, АҚШ ва Франциянинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳузуридаги доимий вакилларининг Нью-Йоркда бўлган учрашувида резолюция лойиҳасини ишлаб чиқиш амалда тугалланди. Ушбу ҳужжат Ироққа бораётган ва бу мамлакатдан чиқиб кетаётган барча савдо кемаларидаги юкларни текширишда жуда кам куч қўлланишга имкон беради. Илгари эълон қилинган иқтисодий жазо чоралари қатъий бажарилиши натижасида шундай қилинади.

ВАШИНГТОН. АҚШ давлат департаменти Ироқ маъмурлари Американинг Қувайтдаги элчихонаси ходимларидан бир гуруҳига ҳамда уларнинг қариндош-уруғларига Ироқдан чиқиб кетиш учун рухсатнома беришдан бош тортганлигига қарши кескин норозилик билдирди. Улар Қувайтдан Ироқ орқали Туркияга йўл олган эдилар. «Биз Америка дипломатлари ва уларнинг оилаларига халқаро ҳуқуқ ва ҳозирги замон аҳлоқ нормаларига мувофиқ ўзларини тўла ҳимоя қилиш ҳуқуқи берилишини ва улар эркин бўлишини қаттиқ талаб қиламиз. Ҳозирги вақтда Бағдоддаги элчихонада Қувайтни пайшанба куни ташлаб чиқиб кетган юздан ортиқ американлик, шу жумладан 30 га яқин бола бор», — деб хабар қилди АҚШ давлат департаментининг вакили Ричард Баучер.


НЬЮ-ЙОРК. Яқин Шарқдаги воқеалар муносабати билан ҳақиқий ҳарбий хизматга чақирилган Американинг резервда турган дастлабки ҳарбий хизматчилари Саудия Арабистонига учиб кетишди. Мудофаа вазирлиги вакилларининг сўзларига қараганда, жами 49 минг 700 нафар резервда турган ҳарбий хизматчини чақириш режалаштирилмоқда. Бироқ, Пентагоннинг мансабдор хизматчиларидан бири журналистларга шундай деди: АҚШ билан Ироқ ўртасида ҳарбий ҳаракатлар бошланган тақдирда резервдан сафарбар этилаётганлар икки баравар кўпайтирилади. Ҳозир Америка Қўшма Штатлари қуролли кучларининг резерв бўлинмаларида жами 1,6 миллионга яқин киши бор.

ЛОНДОН. Буюк Британиянинг Қувайтдаги элчихонасини Ироқ танклари қуршаб олган, деб хабар қилди Ай-Ти-Эн телекомпанияси. Британиянинг тўрт дипломати турган бинода электр ва телефон алоқаси узиб қўйилган. Бош вазир Маргарет Тэтчер Ироқ ҳарбий маъмурияти Қувайт элчихонасида турган Британия дипломатларининг дипломатик даҳлсизлигини бузсалар, бундай хатти-ҳаракатлар учун бутун масъулият Ироқ раҳбарияти зиммасига тушишини айтди.

(СИТА).

**ЖАНУБИЙ ҚУРИЯ.** Туб ва кескин чора-тадбирлар кўриш кайфиятида бўлган талабалар ҳамда оппозиция гуруҳи аъзолари билан Жанубий Қурия пойтахтида (суратда) полиция ўртасида кескин тўқнашув бўлиб ўтди.

Қарийб 2000 «тартиб посбонлари» зирҳли машиналарнинг қўллаб-қувватлашида Сеул дорилфунунига киришни ёпиб қўйдилар. Бу ердан Жанубий Қурия делегацияси ҚХДЖ ташаббусига кўра Қурияни Япония мустамлака ҳукмронлигидан озод этилганлигининг 45 йиллиги шарафига Пханмунжда ўтадиган митингга йўл олиши керак эди. Делегация аъзолари тушган беш автобус бир неча минг кишининг кузатувида ўқув юрти дарвозасидан чиқиш пайтида полиция машиналари уларнинг йўлини тўсиб қўйди. Тўпланганларни тарқатиб юбориш учун кўздан ёш оқизадиган гранаталар ишга солинди. Бунга жавобан манифестация қатнашчилари полициячиларга қарши тош, ёндирувчи суюқлик тўлдирилган қўлбола шишаларни ишга солдилар. РЕНХАП агентлигининг хабарига кўра, бу тўқнашув натижасида ўнлаб кишилар жароҳатланган, кўплаб кишилар ҳибсга олинган. Шу билан бир пайтда шаҳарнинг бошқа ноҳияларида ҳам полиция билан туб ва кескин чора-тадбирлар кўриш кайфиятидаги ёшлар ўртасида тўқнашувлар бўлган.



**РЕЙТЕР-СИТА** телесурати.

## ЮГОСЛАВИЯ ЎРМОНЛАРИДА ЁНҒИН

БЕЛГРАД. 27 август. (СИТА мухбири Александр Кондрашов). Югославиянинг Адриатика денгизи соҳили жанубий қисмидаги ўрмонларда шу кунларда тез-тез ёнғинлар чиқмоқда. Дубровник яқинидаги Котор бухтаси атрофида жойлашган ва қарағайзор ўрмонлари кўзни қувнатувчи кўпгина тоғ чўққилари ҳозир олов пуркаб турган вулқонларни эслатади. Ўрмонлар ёнғинлари алангаси ва бурқсиб кўтарилаётган тутун бир неча 10 километр масофадан ҳам кўриниб турибди.

Маҳаллий маъмурлар ва ўт ўчириш хизматлари ҳозирча ёнғинни жиловлашга ва унинг соҳилдаги аҳоли пунктларига ҳамда курорт объектларига яқинлашишига йўл қўймасликка муваффақ бўлишяпти. Лекин шунга қарамай, ўрмонзорларга ўнглаб бўлмайдиган зарар етмоқда.

Соҳилнинг гоҳ у, гоҳ бу қисмида ўнлаб гектардаги юз йиллик қарағайзорлар ёниб кетаяпти. Бу ўрмонларда илгари кўплаб ноёб қушлар ва ўрмон жониворлари бор эди. Жаҳонга машҳур Дубровник курорти теварагининг ўзидагина сўнгги уч кун ичида игна баргли дарахтлардан иборат 700 гектар майдондаги ўрмон куйиб кул бўлди.

Югославия матбуотининг таъкидлашича, янги ёнғинлар чиқиши хавфи бор. Чунки метеорологлар яқин кунларда ҳам қуруқ, иссиқ об-ҳаво сақланиб қолишини олдиндан айтишмоқда. Зеро, ўрмон ёнғинлари чиқишининг асосий сабаби ҳам мана шу.

## РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

### СОҒЛИК НЕЧА СЎМ ТУРАДИ!

● АҚШДА СОҒЛИҚ неча сўм туради? Мутахассислар ҳисоб-китобларига кўра, бир йилда мамлакатда соғлиқни сақлаш учун 127 миллиард доллар сарфланар экан, бу — ҳар бир американлик йилига 500 доллар ишлатади деган сўздир. Энг кўп пул врач қабулига кетар экан — 104 доллар. Шундан кейин, дори-дармон учун — 101 доллар, беморни уйда кўриш учун — 80, тиш докторига — 79, касалхонада ётиш учун — 73 доллар, физиотерапия ва бошқа тиббий хизматлар учун — 26, кўз касалликларини даволаш учун 25 доллар сарф этилади.

### ХХ АСР ПАҲЛАВОНИ

● 30 ЁШЛИ француз фуқароси Эрик Роабен «Жаҳоннинг энг кучли кишиси» унвонига сазовор бўлди. Полвон оғирлиги 53 тонна бўлган 150 ўринли тайёрани 6 сантиметрга силжитди. 30 тонналик юк автомобилини фақат ўз кучи билан 137 метр масофага юргизди. Қўли билан бир вақтда олтита михни қайириб ташлади. Худди ана шу ноёб кўрсаткичлари учун паҳлавон «Гиннеснинг рекордлар китоби»дан ўрин олди.

### МАНА БУНИ ОВ ДЕСА БЎЛАДИ!

● 15 ЁШЛИ Венсон Тирод билан 41 яшар Жан-Жак Клос узоқ вақт балиқ овлаш бўйича янги жаҳон рекордини ўрнатишди. Улар 14,5 кун, яъни 348 соат дам олмасдан балиқ овладилар. Бу натижа Франциянинг Осель шаҳридаги кичик дарёлардан бирида кўрсатилди. Бундан аввалги рекорд ҳам (251 соат) Францияда ўрнатилган эди. Венсон билан Жан-Жак кунига атиги икки соатдан ухлашлари керак эди, аммо балиқчилар 14,5 кун мобайнида икки марта ухладилар, холос.

### БАНКДАГИ ҲОДИСА

● МАНА, бир неча кундирки, Ҳиндистоннинг Ҳайдаробод шаҳридаги банклардан бири хизматчиларининг тинчлиги бузилган. Бунга сабаб нима деб ўйларсиз? Икки ҳафта олдин, шанба куни банк ходимлари хоналардан бирида катта кобрани кўриб, ҳанг-манг бўлиб қолишди. Илон худди ўз уйидагидек темир сандиқ ёнида бемалол ётарди. Воқеа содир бўлган жойга келган илон тутувчилар, уни ушлаб олиб кетишди. Лекин, сешанба куни банкда яна иккита илон пайдо бўлди. Бечора хизматчилар стол, стулларини кўчага чиқариб, ўша ерда ишлашдан ўзга чоралари қолмади.



# ЖУДОЛИК

**ЖИЗЗАХЛИК АКА-УКА АНВАР, ҲАСАН, АБДУЛЛА ҲАМДАМОВЛАР ШАХСГА СИҒИНИШ ДАВРИНИНГ НОҲАҚ ҚУРБОНИ БЎЛИШГАН**

**«Жиззах қўзғолончиларининг кучи Мирзаёр мингбоши, Камол миршаб, таржимон Мирзаҳамдам, уезд ҳокими полковник Рукин, пристав-штабс капитан Зотоглавовларни ўлдиришдан нарига ўтолмади. Тиш-тирноғигача қуролланган жазо отряди ҳужумига оломон бардош бера олмади. Солдатлар итдек изғишиб, уйма-уй, чорбоғма-чорбоғ кезиб юрар, халқ мулкини талар, асбоб-анжомларини аравaларга ортар, туёқли молларини ҳайдаб, уйларига ўт қўйиб кетар, қулай келиб қолган ерда аёлларни зўрлаб, эркакларни отиб ўлдирар эдилар. Подшога қарши бош кўтарганларга ана шунақа жазо берамиз, дейишиб ўз ваҳшийликларини кўз-кўз қилишарди жаллодлар».**

**Назир САФАРОВнинг «Наврўз» романидан.**

●

**«Шуни хабар қиламизки, Ўзбекистон ССР Прокуратурасининг раддияси асосида Ўзбекистон ССР Олий суди 1957 йил 31 майда қабул қилган қарорига биноан 1938 йилда қамалган Ҳамдамов Анвар устидан чиқарилган ҳукм бекор қилинади ва у тўла оқланди.**

**П. КОПЕЙКО, Ўзбекистон ССР прокурорининг ўринбосари, адлия катта маслаҳатчиси».**

●

**«Сизнинг жумҳурият прокурори номига ёзган аризангизга биноан, 1938 йилда давлатга қарши қилган жиноятлари учун ҳибсга олинган Ҳамдамов Ҳасан устидан қўзғатилган жиноий иш назорат сифатида қайта кўриб чиқилди. Натижада Самарқанд вилоят прокуратураси раддиясига асосан вилоят судининг ҳайъати Ҳамдамов Ҳасанни айбсиз, деб топди.**

**Қ. АҲМАДЖОНОВ, Самарқанд вилоят прокурорининг ўринбосари, адлия маслаҳатчиси».**

●

**«Ҳамдамов Абдуллага нисбатан қўлланилган Ўзбекистон ССР жиноят кодексининг 66-модда 1-қисми асосида олий жазо — отишга ҳукм этувчи жиноий иш вилоят прокурорининг раддияси билан 1962 йил 26 ноябрида Самарқанд вилоят судининг ҳайъати томонидан кўриб чиқилди.**

**Ўзбекистон ССР Ички ишлар халқ комиссариати қошидаги учликнинг 1937 йил 19 октябрдаги қарори бекор қилинади ва ишда жиноят аломатлари йўқлиги сабабли у ҳаракатдан тўхтатилади.**

**Ш. БАҲРОМОВ, Самарқанд вилоят суди раиси вазифасини бажарувчи».**

●

...ЖИЗЗАХЛИКЛАР 1916 йилги қўзғолонни бот-бот эслаб туришади. Унинг қонли излари ҳамон юраклардаги дард ва аламни тарк этмаган. Ўшандаги халқ ҳаракати бутун Туркистонни, қолаверса Петербургни ларзага солганди. «Овом сартларнинг» бебошлигидан ғазабга келган оқ подшо мазлум халқни ер билан битта қилишга жазм этди. Зеро, ёвуз ниятларининг бир қисмигина амалга ошди. Истибдодга қарши бош кўтарганлар отишга ҳозирланади. Аммо кимнингдир мурувввати билан инсон боласи яшаши мумкин бўлмаган жойларга ҳайдалди. Шаҳар ер билан яксон қилинди. Қўзғолонда фаол иштирок этганларга нисбатан эса қаттиқ жазолар қўлланилди.

Бирмунча саводхон бўлган уезд ҳокимининг тилмочи Мирзаҳамдамни қўзғолончилар оломони тошбўрон қилиб ўлдирган. Хўш, унинг ўғиллари Анвар, Ҳасан ва Абдулланинг қотили ким? Наҳотки, уларга қарши бебош оломон бош кўтариб чиққан бўлса?! Бугун ана шу саволларга жавоб излаймиз-у, аммо бирор маънили, кўнгилга таскин берадиган гап сўз айта олмаймиз. Улар янги ҳаёт учун курашиб, шу йўлда ҳалок бўлишди. Ўша 30-йилларнинг охирида Ҳамдамовларнинг номини тилга олишга, ночорликдан қолган уларнинг онасига бир бурда нон узатишга чўчишарди.

...Отадан маҳрум бўлган Анвар ва унинг укалари инқилоб туфайли ўз йўлларини ўзлари танлашди. Дастлаб Анвар Самарқанддаги дўстлари ёрдамида у ерга бориб, ҳаётий ўзгаришларда фаол қатнашди. Дадил ҳаракати, тиришқоқлиги билан ЧК (фавқулодда комиссия)да ишлади. Янги тузум душманларига қарши кураш олиб борди. Тез орада укалари Ҳасан ва Абдуллани ҳам ёнига чақириб, уларга билим ва тажриба эгаллашларида кўмаклашди. Кўп ўтмай уларнинг сафига яна бир иниси — Маҳмуд қўшилди. Ака-укалар Жиззах музофотида босмачиларга қарши курашларда ўзларини кўрсатишди.

Кейинчалик А. Ҳамдамов Янгиқўрғон милициясида ишлади. Сўнг уни Фарғона водийсига ишга юборишади. 1936 йилда у оиласи билан Тошкентга кўчиб келиб, шаҳар ободончилик бўлимида хизмат қила бошлайди. Ҳ. Ҳамдамовнинг ҳаёт йўли ҳам акасиникидан қолишмайди. У ҳам оз вақт бўлсада милицияда хизмат қилган. Сўнг таъминот масалалари билан шуғулланади. 1926 йилда ВКП(б) сафига ўтади. Аммо 1932 йилда туҳмат туфайли партиядан ўчиришади ва бир йил бекордан-бекорга қамоқда ўтириб келди.

Абдулланинг тақдири бўлакча. У ака ва укаларининг орасида энг саводлиси ва билимдони бўлган. Шу боис дастлаб меҳнат фаолиятини ўқитувчиликдан бошлайди. Сўнг уни ҳамқишлоқлари янги тузилган жамоа хўжалигига раис этиб сайлашади. Худди шу ишонч ҳам унинг бошига кўп ғавғоларни солади. Дастлаб «1930 йилда жамоа фаолларини тўплаб зиёфат қилгани» ва «бу билан халқ мулкини талон-торож қилгани учун» ноҳақ 2 йилга озодликдан маҳрум этилади. Ҳақиқат қарор топиб, у озодликка чиққач, яна жамоа хўжалиги раисининг муовини бўлиб ишлайди. Уни қарангки, туҳмат билан қамалиб, ночор қолган одамнинг оиласига бир боғ беда бергани учун яна ҳибсга олинади. Энди эса «халқ душманига хайрихоҳлик кўрсатди», дея куракда турмайдиган айблар қўйишади. Унинг кўчада қолган икки ўғлини ўша пайтда Тошкентдаги ғишт заводида ишлаётган укаси Маҳмуд Ҳамдамов ўз қарамоғига олади-ю, у ҳам балога қолади.

Ҳамдамовлар хонадонининг кенжаси Сарвар ўша қатағон йилларида билмадик, кимнингдир маслаҳати билан бир ақлли иш тутган. У хизмат юзасидан бошқа шаҳарларга кўп қатнаб туриши лозим эди. Ўша қама-қама йилларида у узоқроқ хизмат сафари билан Кавказ орти шаҳарларига боради-ю, бир оз муддатга ушланиб қолади. Бизнингча, уни ёмон кўзлардан нарироқ юргани ҳам омон қолдирган бўлса, ажаб эмас. Зеро, чор амалдорининг ўғли бўлган икки акаси отилган, яна бири 10 йилга қамалиб, Маҳмуд ҳам ҳибсга олинган бир пайтда Сарварни ҳеч ҳам очиқда қолдириб бўлмасди. Уни ҳибсга олиш учун НКВДнинг баҳоналари кўп эди...

* * *

Ҳ. Ҳамдамов иккинчи бор қамалганда унинг катта ўғли Арслон 8 ёшда эди. У отасини йўлда, ишга кетаётганда ҳибсга олишганини эшитади. Шунда у кимгадир уйидагилар ишхонасидаги ҳужжатларни эҳтиёт қилиб туришини илтимос қилади. Балки, бу ҳужжатлар бирор зарур, давлат аҳамиятига молик бўлгандирда, деб ўйларсиз. Бугунги кун назарида унинг қора ғаладонида сақланган қоғозлар унчалик муҳим ҳам эмас. Буни қарангки, Ҳасан Ҳамдамовнинг илтимоси айни дақиқада ҳам ўз кучини йўқотгани йўқ.

Уларни кўздан кечирамиз. Сарғайиб кетган варақларда Ҳ. Ҳамдамов тўғрисида бир оз бўлсада таассурот қолдириш имкони пайдо бўлади. У қатағонлик бошланган йилларда Фориш, Жиззах, Зомин ва бошқа бир қатор ноҳияларда озиқ-овқат таъминоти билан шуғулланган. Айниқса Форишнинг узоқ яйловларига туз етказиб бериш учун жон куйдирган. Чунки туз чўпонлар учун сув билан ҳаводек зарурлигини биларди. Шу боис бу вазифани сидқидилдан бажарган. Сақланиб қолган ҳужжатларда берилган маҳсулотлар тўғрисида анча маълумотлар бор.

Аксига олиб, уни қамоққа олишгандан сўнг, бу ҳужжатлар асқотмади. Ундан ўзи билмаган ва ҳатто эшитмаган жиноятлари хусусида гап суриштиришади. Уни босмачидан олиб, босмачига чиқаришди. Отасининг оқ подшо хизматида бўлганлиги ҳам кўп бор эсланди. Ёнидаги исми ёзилган қурол НКВДига дастак бўлди.

— Отамнинг узоқларга олиб кетишларини эшитиб қолдик, — дейди меҳнат ветерани Арслон Ҳасанов.— Онам мени етаклаб Жиззах қамоқхонасига олиб борди. Бу ерга онамнинг иккинчи бор келиши эди. 1932 йилда отамни бўлмағур айблар билан қамашиб, бир йил ўтгач қўйиб юборишганди. Аммо бу гал уларда озод этиш нияти йўқ эди. Уни бағримиздан юлиб, узоқ юртларга олиб кетишлари аниқ бўлиб қолганди. Юрак бағримиз қон ҳолда отамни кўриб қолиш учун қамоқхонага борсак, у каби барча шўр пешоналарни ҳаммомга туширишаётган экан. Темир панжаранинг ортидан отамга кўзим тушиши билан у имлаб бизни ҳаммом томонга ўтишимизни англатди. Онам билан у ерга бордик. Отамнинг ранги синиққан, кайфияти йўқ эди. Қўриқчи гаплаштиргани қўймади. Унга сўзсиз термилиб турардик. Негадир отам ҳаммомга тушмади. Шундан сўнг ҳамма маҳбусларни сафга турғизишиб, шаҳар кўчалари бўйлаб темир йўл станцияси томон бошлаб кетишди. Ҳибсдагиларнинг қариндош-уруғлари қийчув қилишиб, уларнинг орқасидан эргашишди. Қўриқлаб бораётган солдатлар яқинлаштирмасди. Шу ҳолда уларни қизил вагонларга чиқишга мажбур этишди. Тўйчи қори деган киши вагоннинг темир панжараси ортидан жиззахликларга қарата мурожаат этди. Унинг бизга ярим-ёрти эшитилган сўзлари шу бўлдики: «бизда гуноҳ йўқ, ҳеч қандай айбимиз ҳам йўқ. Бизни ноҳақ қамашаяпти, биз албатта қутилиб келамиз».

Ўшанда отам устидан чиқарилган ҳукмни эшиттиришмаганди. Шунингдек, қамоқдаги амакимиз тақдири ҳам номаълум эди. Эшитган узун-қисқа гап-сўзлардан шу маълум бўлдики, уларга 10 йил муддат беришган, аммо бу қайси айблари учун буни ҳеч ким айта олмасди. Отамизни Тошкентга олиб боришгач ҳаммаси аён бўлади, деб ўйлагандик. Аммо ундай бўлиб чиқмади. Имоним комилки, отам билан бирга кетганлар Тошкентдан нарига ўтишмаган. Ҳаммасини бирдек гумдон қилишган. Чунки, ўша кезда кўзим тушган бахти қароларнинг бирортаси қайтиб келишмади.

Отамнинг ҳибсга олиниши ва унинг «халқ душмани» бўлиб отилиб кетилиши ҳар биримизнинг қалбимизни ўртарди. Оиламиз бамисоли ари уяси бўлиб қолганди. Тиқ этса, эшикка қараймиз. Юрагимиз ҳар нарсадан хавфсирайди. Ким нима деркин, дея унинг оғзига термуламиз. Мени отам учун мактабдан ҳайдашди. Буни қарангки, 1943 йилда Ватан учун оғир жанглар бораётган бир дамда, ҳарбий хизматдан қолдириб юборишди.

— Отамнинг кейинги бор ҳибсга олинишини ҳеч эслай олмайман, — дейди Ҳ. Ҳамдамовнинг кичик ўғли Мели Ҳасанов.—Аммо бир нарса—у кишининг 1933 йилда оқланиб келгач, ҳақиқат рўёбга чиққани ва укамнинг исмини «Ҳақиқат» деб қўйишгани ҳақида кўп эшитганман. Афсуски, унинг умри қисқа экан, ёшлигида ўлиб кетди.

Уруш йилларида ва ундан сўнг ҳам отам ҳақида сўз очишга чўчирдик. Онам бу ҳақда гапиришимизни асло ёқтирмасди. Бировга беҳуда гап айтиб, яна балога қолишимиздан қўрқардилар. Тақдирга тан бериб, агар отамиз тирик бўлса, ўзи бир кун албатта кириб келишига умид қиларди. Аммо орзуйимиз рўёбга чиқмади. Қанча кутмайлик ундан дарак бўлмади. Афсуски, бизда отамнинг бирон сурати ҳам сақланиб қолмаган. У кишининг кимлиги нима ишлар қилганлиги кўп йиллар биз учун номаълум бўлиб келди. Онам эса уларни бизга ошкор қилишга юраклари бетламасди. Босмачиларга қарши кураш даврида отам кўрсатган жасорат хусусида онда-сонда гап бўларди, холос. Уйимиз устунларидаги ўқ излари душман кирдикорларининг жонсиз гувоҳи сифатида кўп вақт шундайлигича турди.

Отамнинг тақдири билан қизиқиш ҳаракатини 1956 йилда, яъни партиянинг XX съездидан сўнг бошладик. Ёзмаган жойимиз қолмади. Акам, мен ва Муяссар опам кўп жойларга мурожаат этдик. Аммо улардан бирор ўринли жавоб ололмадик. Барча ҳаракатимиз қумга қўйилган сувга ўхшаб кетарди. Ниҳоят 60-йилларнинг бошида уйимизга бизга яхши таниш бўлган ва қишлоғимизга тез-тез келиб турадиган милиционер Рўзмат Йўлдошев бир одамни эргаштириб келди. У киши ёзган хатларимиз бўйича текшириш олиб бораётганини айтди. Нотаниш одам бир неча кун бўлиб, керакли кишилар билан учрашиб кетди. Яна бир йилча ўтгач, опам Муяссар Ҳасанова номига Самарқанд вилоят судидан қоғоз келди. Унда отамнинг оқланганлиги хусусида гап борарди. Бор гап шу. Хайрият оиламиз яқин бўлган хонадонларнинг бирида сақланаётган ўша даврнинг одамлари тушган суратда отам ҳам тасвирланган экан. Ундан қайта ишлаттириб уйимиз тўрига қўйдик. Ҳозирча отамиздан қолган ягона хотира бор-йўғи шу!

Акам онамдан яшириб ҳуқуқшунослик институтига кирган эди. Аммо учинчи курсга ўтгач, бу сир фош бўлди. Онам: «ўқишни ташлаб келасан», деб оёқ тираб олдилар, ноилож ўқишни қўйишга мажбур бўлди. Менинг ҳам Тошкент дорилфунунига киришим қизиқ бўлган. Аслида, шундай улуғ даргоҳда ўқишга умид ҳам йўқ эди. Етим ўсганмиз, яна онам ҳар бир нарсадан чўчийди. Хуллас, қўлимдаги болалар уйида тарбияланган деган ҳужжат билан таваккал қилиб Тошкентга келдим. Уни қарангки, мактабни кумуш медаль билан тугаллаганим боис, ортиқча гап-сўз қилишмасдан 1950 йилда дорилфунунга қабул қилишди. Албатта ўшанда отамиз ҳақида бир оғиз ҳам гап бўлгани йўқ. Жуда оғир пайт эди. 37-йилга алоқаси борлар яна қамоққа олинаётган эди. Юрагим кўп вақт пўкиллаб юрди.

* * *

— 7-8 яшар бўлсамда, ўша машъум тунни кўз олдимдан кетказа олмайман, — дея кўзига ёш олади Тошкент жисмоний тарбия институти спорт тиббиёти кафедрасининг мудири, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби, медицина фанлари доктори, профессор Озода Рихсиева, — Султон акам, отам ва мен бир хонада ухлаётгандик. Алламаҳалда эшик қаттиқ тақиллаб қолди. Отам елкасига тўнни ташлаб, ташқарига чиқди-ю, зум ўтмай икки милиционер билан қайтиб келди. Чироқни ёққанича, улар лом-мим демай уйни тинтув қилишга тушишди. Келганларнинг бири қозоқ, бири татар йигити эди. Улар гўё муҳим бир нарсани излашарди. Отам буни бир чеккада тик туриб кузатарди. Акам ва мен бўлаётган воқеалардан ўзимизга келмай, отамга термулардик. У биздан нигоҳини олиб қочарди. НКВД ходимлари излаган нарсаларни топа олишмагач: «Яна бошқа уй борми», деб сўрашди. Отам уларни онам ва сингилларим ётган хонага бошлади. Улар ҳам безовта бўлишган эди. Онамнинг юзини кўриб, қўрқиб кетдим. У тахтадек қотиб қолганди. Фақат отам ўзини йўқотмасди. Бу ерда ҳам ўша ҳол такрорланди. Роса ағдар-тўнтар қилишди-ю, аммо ҳеч нима топишолмади.

— Қани бўлинг, биз билан борасиз, — деди татар йигити. Мен уларнинг гапини яхши англаб турардим. Шунда отам ҳаммамизнинг бошимизни силаб, юзимиздан ўпдида, мағрур турганча:

— Асло ҳавотир олманглар, ана кўрасизлар, тезда қайтиб келаман,— деганча уларнинг олдига тушиб кетди.

Бахтга қарши Анвар Ҳамдамов ўз сўзининг устидан чиқмади. Оиласи эса бедодликдан қон қақшаб қолганди. Ҳали вояга етмаган ўғил-қизлари нима бўлаётганлигини тушунолмай, боши берк кўчага кириб қолишганди гўё. Кўп ўтмай онасини НКВДига тез-тез чақирадиган бўлишди. У ҳар сафар кун бўйи сўроқларга жавоб бериб, қовоқлари шишиб қайтиб келарди. Аммо фарзандларига нима ҳол юз берди, ким билан гаплашди, бу ҳақда асло оғиз очмасди. Болалар боғчасидаги иши ҳам кўзига кўринмасди. Ўзидан ўтганини фақат ўзи биларди, холос. Ички хизмат ходимлари эса уни қийнашиб, эри хусусида зарур маълумот бериш ва унинг душманлик кирдикорларини очиб ташлашни қатъий талаб қилишарди. Унинг фирқа аъзоси эканлигини ҳар гал юзига солишади. Агар чин «ҳақиқатни» гапирмаса ВКП(б)дан чиқаришиб, қамаб қўйишни рўкач қилишади. Зеро, шу ҳол юз берса, болаларининг аҳволи нима кечади? Уни ташвишга солгани ҳам шу. Эридан эса умиди йўқ. Уни аллақачон «халқ душмани»га чиқариб қўйишганди. Укаларининг ҳибсга олингани уни юрагини вайрон қилди. Отасининг бир вақтлар оқ подшо хизматида бўлгани ҳам унга «отилган бир ўқ» эди. У пинҳоний айблардан қочиб қутилишнинг иложи йўқлигини англагач, сўнгги илинж — оиласининг даҳлсизлигини таъминлашга эришди. Унинг учун оғир бўлган эҳтиёт чорасини ишга солишга мажбур бўлди.

— Мен хотиним билан аллақачон ажрашганман, — деди у навбатдаги сўроқларнинг бирида, — шу боис оиламни тинч қўйишингизни сўрайман. Ҳаммаси учун ўзим жавоб беришга тайёрман.

Бу кўргилик Шарофатнинг бошига тўқмоқ бўлиб тушганди. Аммо уни инкор этишнинг иложи йўқ. Эсида, бир мунча вақт муқаддам эри замон нотинч эканлиги, агар унга бир гап бўлса, орамиз аллақачон узилган дегин, дея тайинлаганди. Шунда Шарофат буни эрининг одатдаги ҳазилига, агар айби бўлмаса ҳеч нимадан қўрқмасликни айтганди. Аммо воқеалар шунчалик тез ривожланардики, бу сўзларнинг тагига етишга ҳам улгуриб бўлмасди.

— Кунлардан бир кун Офтоб бувим билан отамни кўргани бордик, — дейди Озода Анваровна, — онам бормадилар. Чунки агар у киши борса, яна бирор кориҳол юз беришидан чўчирдик. Тошкент қамоқхонасида бўлган отам узоқ юртларга жўнаши олдидан онаси билан учрашишга бир амаллаб рухсат олган экан. Уни кўриб йиғлаб юбордим. Назаримда отам анча ўзини олдириб қўйганди. Ҳозир яхши эслай олмайман, аммо ўша кезда отам бизни қандайдир ҳассага таяниб кутиб олганди. Суҳбатимиз узоқ давом этмади. Ҳамма вақт қаршимизда соқчи баҳрайиб турди. Сўзсиз ҳаммамиз йиғлаб кўришдик. Бувим додлаб дадамни бағрига босди. У киши бўлса мени кўтариб, юзларимдан чўлп-чўлп ўпди. Хуллас, бу учрашув мен учун бир умр унутилмас бўлиб қолган. Зеро, бу отамни сўнгги бор тирик кўриш азоби эди.

А. Ҳамдамов оиласини унинг қанча йилга қамалгани ва қаерга жўнатилганидан воқиф қилишмади. Буни яқинлари ҳар замонда олиб боришаётган озиқ-овқатнинг олинмай қўйилганидан англаб олишди. Энди тақдирга тан беришга, нима бўлса ҳам кутишга тўғри келди. Шу орада Улуғ Ватан уруши бошланиб, Султонни ҳарбий хизматга олишади, аммо у жангдан тирик қайтмади.

Йиллар сувдек оқиб ўтса-да, из қолдирмасди. Ҳамма урушдан хушхабар кутса-ю, Ҳамдамовлар хонадонидагилар оталарининг тирик қайтиб келишига кўз тикишади. 1944 йилда олинган икки энлик қоғоз уларнинг умидларини пучга чиқарди. Фронтдан олинган «қора хат»ларга қараганда буниси оғирроқ эди. Анвар Ҳамдамов Ватан учун бўлган жангларда эмас, Қорағанда шаҳрининг қурилишларидан бирида юрак касали билан вафот этгани маълум қилинганди.

Урушдан сўнг ҳаёт бир маромига тушса-да, шахсга сиғиниш қурбонларининг тақдири узоқ вақт муаллақ қолиб кетди. Мамлакатни урушдан олиб чиққан Сталин Ғалаба нашидасини суриб, ҳеч кимга оғиз очгани йўл бермасди. Аксига олиб «халқлар доҳийси» шахсга сиғиниш даврининг қурбонлари урушда берилган талафотлардан асло кам эмаслигини тан олгиси келмасди. Бу борада оғиз очганлар Сталин ва унинг атрофидаги манқуртларнинг қаҳрига дучор бўлишарди. Яна қатағонлик бошқатдан бошланганини кутилмаган фожиа бўлди. Ҳаёт эса кўримсиз дардларни гарданига юклаганча давом этарди. Шу орада А. Ҳамдамовнинг фарзандлари ўз йўлларини топишга ҳаракат қилишади. Пухта билим олишга интилган Озода тиббиёт институтига кириб ўқийди. Спорт билан мунтазам шуғулланади. 1951 йилда у теннис бўйича Ўзбекистон чемпиони бўлади.

* * *

1957 йилда Тошкент кон техникумининг талабаси—А. Ҳамдамовнинг ўртанча қизи Хурсанд ишлаб чиқариш амалиётини Қорағанда шаҳрида ўтказишга жазм қилади. Қиз боланинг узоқ юртларга боришига онаси дастлаб рози бўлмасада, унинг нияти бошқа ёқда эканлигини англаб оқ йўл тилайди. Отасини жуда кам кўрган, ҳатто хаёлан унинг чеҳрасини тасвирлаш қудратига эга бўлмаган ёш қалб унинг сўнгги дақиқалари ўтган жойларни кўриш, излари тушган тупроқни кўзга суртишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. У кўп изланишлардан сўнг отасини Қорағанда шаҳридан 3 соатлик йўл бўлган Долинка қишлоғидаги қурилишда ишлаганини билиб олади. У бир амаллаб етиб олгач, собиқ маҳбуслар ҳақида суриштира бошлайди. Шунча йиллардан сўнг бўлса ҳам Анвар Ҳамдамовни яхши билганлар топилади. Ҳатто қамоқда ўтирганлар ҳам чиқади. Ўша ерда Хурсандга қидириб борган одамининг суратини кўрсатишади. Аммо нусха кўчириб беришмайди. Афсуски, у ҳам отасининг қабри қаердалигини ва қай ҳолда вафот этганлигини аниқ баён этиш қудратига эга бўлолмайди. Шундай ҳолда Хурсанд ота изларини яна йўқотади. Аммо имони бир нарсага комилки, шу заминда отаси яшаган. На чора, тақдир шу экан, қаергадир кафансиз кўмилган. Минг афсуски, ўша кезда марҳумларнинг ҳурматини жойига қўйиб кўмишмасди. Ўлдими, демак, уни оборib ерга тиқиш керак. Бу қоидага айланиб қолганди. Нобуд бўлганларнинг оиласига юборилаётган ҳужжатларда эса турли хил сабаблар кўрсатиларди. Ким текшириб ўтирибди?

— Отам ҳақида кўп вақт маълумот ололмай юрдик, — дейди Озода Анваровна, — ниҳоят ёза-ёзлардан сўнг 1957 йилда унинг тўла оқланганлиги тўғрисида Ўзбекистон ССР Прокуратурасидан хат олдик. Аммо бу куйган юракларимизга таскин бера олмади. 1962 йилда фирқага ўтиш чоғида ижтимоий келиб чиқишим ва отамнинг «халқ душмани» бўлиб қамалиб кетгани ҳамда унинг ўлимидан сўнг оқланганлигини очиқ ёздим. Энди қўрқадиган жойи қолмагандир. Зеро, таржимаи ҳолимдаги бу ҳақиқатни яширишни виждоним қабул қилмасди. Шундан сўнг илк бор отамнинг исмини ҳужжатимга киритдим. Бунинг учун ҳозир фахрланаман. Шундай инсоннинг қизи бўлиш мен учун бахт. Қисқа бўлсада отамиз берган сабоқ биз учун бир умрга етарли. Яна бир нарса — отамиз билан бирга ишлаган ташкилотнинг бош ҳисобчиси қамоқдан омон-эсон қайтиб келиб, яна илгариги юмушини давом эттирганини билдик. Онам бориб, худди шу кишининг қўлидан отамга тегишли бўлган икки ойлик маошни олди. У киши қамоқдаги азоб-уқубатлар тўғрисида кўп сўзлаб берган шекилли, онамиз бундан қаттиқ таъсирланиб, тез орада бандаликни бажо келтирдилар...

* * *

**1905 йилда туғилган, 1920 йилларда Жиззах ноҳия халқ маориф бўлимининг мудири бўлиб ишлаган Соат Мансуров шундай ҳикоя қилади:**

— Ҳасан Ҳамдамовнинг ёши мендан улуғроқ эди. Биз бир қишлоқда яшардик. Шунинг учун ҳам Ҳасан акани болалигимдан яхши биламан. Кейинчалик у киши билан бирга ишлашга тўғри келди. 1928 йили Жиззах ноҳия ижроия қўмитасида маъмурий бўлимида ишладим. Шу йиллари Ҳасан акам ижроия қўмита қошида тузилган босмачиларга қарши курашувчи отрядга бошчилик қиларди. Бу отрядга маҳаллий йигитлардан Наим Мирсаидов, Рустам ака, Саиднасим ака каби фаоллар киришди. Отряд Жиззах, Равот, Фориш туманлари аҳолисининг осойишталигини сақлашда катта хизмат қилди. Ҳ. Ҳамдамов шу йилларда Ҳайдарбек Абдужабборов, Мирбайзо Миразимов каби инқилоб фарзандлари билан бир сафда туриб, душманларга қарши курашди.

Мен Ҳасан ака фаолиятида бирор аксилинқилобий ҳаракатни ҳеч қачон сезмаганман. Доимо халқ орасида бўларди, беҳуда қон тўкмасликка даъват этарди. Ҳасан ака янгилик ҳимоячиси эди.

Айниқса у киши ёшларнинг ўқишига катта эътибор билан қарарди. Қишлоғимизда камбағал оиланинг фарзанди Ҳолиқ Ҳамдамовни ўз тарбиясига олди. Ўқитди. Кейинчалик Ҳ. Ҳамдамов тарих фанлари номзоди бўлиб етишди. Олий ўқув юртларида марксизм-ленинизм асосларидан дарс бериб келди. Ҳолиқжоннинг асли фамилияси Худойбердиев бўлган. Лекин уни тўғри йўлга бошқарган Ҳасан акани ҳурмат қилиб, Ҳамдамовлар фамилиясига ўтди. Ўша алғов-далғов йилларида Ҳолиқжон ҳам бир неча бор: «Нега, Ҳамдамов фамилиясига ўтдинг», деган сўроққа жавоб берган. Ҳолиқжон ўз фикрида қатъий турди. Фамилиясини ўзгартирмади.

Ҳасан аканинг қамалганини эшитиб кўп афсусландим. Наҳотки, юқоридагилар яхши билан ёмонни синчковлик билан ажратишмаса?! Қисқаси, у пайтлар ҳўл-қуруқ баробар ёнди. Мана ошкоралик даври бошланди. Ҳақиқат тикланмоқда.

**1902 йилда туғилган жиззахлик пенсионер Маҳмуд Сиддиқов хотирасидан:**

— Ажаб замонлар эди. Абдулла Ҳамдамов Калинин номли колхознинг раиси, мен—омбор мудири. 1930 йилда раисимиз ўғил кўрди. Чақалоқни муборакбод этгани бир гуруҳ фаоллар бир сават узум олиб, А. Ҳамдамовнинг уйига бордик. Кичикроқ бўлса ҳам зиёфат бўлди. Ўтиришдик, сўнг уй-уйимизга тарқалдик. Бу воқеани кимдир аллақачон юқорига етказибди. Мени дарҳол қамашди. Икки йил беришди. Муддатни ўтаб уйга қайтсам А. Ҳамдамовни ҳам ҳибсга олишибди. Афсусландим. Абдулла анча саводли, ишчан (асли ўқитувчидан чиққан) йигит эди. Жуванмарг бўлиб кетди. Наҳотки, инсоннинг умри ўша даврларда шунчалик беқадр бўлса?! Мана, энди Абдулла Ҳамдамовга ўхшаган инсонларнинг жазоланиши ноҳақ бўлганлигини тан олинмоқда. Аслида бу савоб ишни аллақачон бошлаш керак эди.

**1907 йилда туғилган Анвар, Ҳасан, Абдулла Ҳамдамовларнинг қишлоқдоши Мусо бобо Фозилов эслайди.**

— Мен Анвар, Ҳасан, Абдуллаларни яхши биламан. Улар туҳмат қурбони бўлишди. Ҳамқишлоқларим меҳнат қилган идораларда ишламаганман. Лекин Анвар, Ҳасан, Абдулла, Маҳмуд Ҳамдамовлар билан ички сирдош эдим. Ака-укалар ҳукуматга қарши бирор иш тутишмаган. Аксинча, ўз вазифаларини ҳалол бажаришга интилар эдилар. Ноҳақлик юз бериб, улар бекордан-бекор қамоққа олинди. Ҳукуматимиз бундай ҳалол инсонларни айбсиз жазоланганлигини халққа рўй-рост айтиши лозим.

**Кекса матбуот ходими Юсуф Йўлдошев ўша йилларни шундай хотирлайди:**

— Кечагидек эсимда: 1926—1927 йиллар эди. Инқилобнинг 10 йиллигини нишонлаш учун қизғин ҳаракат бошланган. Ана шундай серташвиш масъулиятли даврда Жиззах ноҳияси комсомол қўмитасининг биринчи котиби бўлиб қадрдон дўстим, серғайрат, оловқалб Маҳмуд Ҳамдамов ишлар эди.

Мен шу кезда Наримонов номли етти йиллик мактабда директор ва ўқитувчи бўлиб ишлардим. Айни пайтда ноҳия комсомол қўмитасининг бюро аъзоси ҳам эдим. Маҳмуд шу оловли йилларда хотин-қизлар озодлиги, саводсизлик ва чаласаводликни тугатиш маракаларида фаол қатнашиб келарди. Шундан кейин М. Ҳамдамов Наманган ноҳиясида ташкил этилган «Комсомол» МТСига директор этиб тайинланди. Шу йилларда мен ҳам Наманган ноҳия комсомол қўмитасининг иккинчи котиби бўлиб ишлардим. М. Ҳамдамов қишлоқ хўжалигини механизациялаш, айниқса пахтадан мўл ҳосил етиштиришда катта ишлар олиб борди.

1937—38 йилларда мен «Қизил Ўзбекистон» (ҳозирги «Совет Ўзбекистони») рўзномасида ишлаб юрган вақтимда дўстим М. Ҳамдамов ҳам Тошкентда раҳбарлик лавозимларида меҳнат қиларди.

* * *

«Самарқанд вилоят суди томонидан берилган ҳужжатда шу нарса маълум эдики, Ҳасан ва Абдулла Ҳамдамовлар 1962 йилда тўла оқланганди. Мени худди ана шу кўп йиллардан кейинги оқлов жараёни қандай кечгани қизиқтириб қолди. Хўш, нега Ҳамдамовларни вилоят суди бегуноҳ деб топди? Бунга нима асос этиб олинди? Изланишлар давомида шу нарсага амин бўлган эдимки, одатда шахсга сиғиниш йилларининг қурбонлари мамлакатнинг юқори ҳарбий суд органлари томонидан берилган ҳужжатларда уларнинг нотўғри қамалгани тан олинарди. Шу фикрда Самарқанд вилоят судига муҳарририятнинг расмий хати билан мурожаат қилдик. Суд раиси бу масалани ўрганиш учун архив материалларини кўриш лозимлигини айтиб, ҳайъат котибига ёрдамлашишни тайинлади. Кўп ўтмай шу нарса маълум бўлдики, 1962 йилда кўрилган суд ҳужжатлари 1968 йилдаёқ вилоят давлат архивига ўтказилган экан.

Самарқанд вилоят судининг 1962 йил 26 ноябрь куни бўлиб ўтган ҳайъати мажлисида унинг 6 аъзоси ва прокуратура вакиллари иштирок этишган. Шу куни 20 жиноий, шундан 3 махсус ва 10 фуқаролик ишлари кўриб чиқилган. Рости, дастлаб қўлимга архив материаллари текканида хурсанд бўлган эдим. Чунки қатағонлик йилларининг қурбонларига тааллуқли ҳужжатлар осонликча насиб этмасди. Сарғайиб кетган қоғозлар орасида Ҳасан ва Абдулла Ҳамдамовни оқлаш хусусида прокурор раддияси ва суд ҳайъати мажлиси қабул қилган қарор бўлиши лозим. Бу эса Ҳамдамовлар хусусида у бу нарса билиб олишга имкон берарди. Афсуски, бутун умидларим қўлимдаги ҳужжатлар тўпламини 3 бор кўриб чиқсамдан пуч бўлиб чиқди. Керакли ҳужжатларни тополмай гаранг бўлардим. Худди атайлаб қилингандек ҳайъатда кўрилган махсус ишларга алоқаси бўлган ҳужжатлар йўқ эди. Ҳайъат мажлисининг қайдида шу масала кўрилгани ва бу борада прокурор раддияси эшитилгани ҳамда вилоят судининг аъзоси Е. И. Чернецованинг маърузаси тингланиб, ака-ука Ҳамдамовлар тўла оқлангани кўрсатилган эди, холос. Ҳар уч иш кўрилганини қайд этган сатрлар ёнига «махсус» деб белги қўйилгани эътиборимни тортди. Прокурор раддияси ва ҳайъат қарори эса негадир сақланмаган.

* * *

...Арслон Ҳасановнинг Ўзбекистон ССР Давлат хавфсизлиги қўмитасидан ўз хатига яқинда олган жавоби улар учун шунча йил қоронғи бўлиб келган ота тақдирига бироз бўлса-да аниқлик киритди. ДХҚнинг бўлим бошлиғи В. Мельниченко имзо қўйган жавобда шундай дейилади: **«Ҳамдамов Ҳасан 1890 йилда туғилган, подшо амалдори оиласидан, 1926 йилдан 1932 йилгача ВКП(б) аъзоси (партиядан ўчирилгани хусусида маълумот йўқ), ҳибсга олинганга қадар Фориш район матлубот жамиятида таъминотчи бўлиб ишлаб, Жиззах шаҳридаги Ленин кўчаси, 55-уйда турган. 1938 йил 19 январда қамоққа олинган. Ўзбекистон ССР Ички ишлар халқ комиссарияти ҳузуридаги «Учлик» қарорига биноан Ўзбекистон ССР жиноят кодексининг 66-модда 1-қисми билан аксилинқилобий ҳамда миллатчилик тарғиботи учун 1938 йил 9 февралда олий жазо —отишга ҳукм этилган. Ҳукм 1938 йил 7 мартда ижро этилган. Ҳукм ижро этилган ва марҳум кўмилган жой номаълум. Самарқанд вилоят суди томонидан у 1962 йил 26 ноябрда тўла оқланган. Бахтга қарши, унинг ички ишлар органларида ишлаганини тасдиқловчи материаллар йўқ. Қамоққа олиш пайтида мол-мулки, бойлиги, фотосурати ёки ҳужжатлари мусодара қилинмаган.**

**Унинг вафоти хусусидаги гувоҳнома Жиззах шаҳар ЗАГС бўлимидан олинади. Бу ҳақда тегишли кўрсатма берилган».**

Жудолик — оғир кўргулик. У қачон юз бермасин барибир қалбларни ўртайди. Сезиб турибман: бу расмий ҳужжат Ҳамдамовларнинг ярасини янгилади, холос. Улар ўз оталарининг ноҳақ отилганини билишарди. Аниқроғи, бу ҳақиқат ҳам кўп йиллардан сўнг ошкор бўлганди. Бу гал ўша машъум кунлар санаси аниқ ва равшан кўрсатилган. Уни билиш учун 50 йилдан кўпроқ вақт даркор бўлди. Ҳали бундай маълумотлар Анвар ва Абдулла Ҳамдамовларга нисбатан айтилгани йўқ...

**И. УСМОНОВ.**

«Обуна—91»

# УМИДЛАР САРОБ БЎЛМАСИН

Янги йилдан бошлаб жами рўзнома ва ойномаларнинг обуна нархи оширилиши бугунги кунда янгилик бўлмай қолди. Аксига олиб, унинг бир неча бор кўтарилиши одамни ўйлантириб қўйди. Бу янгиликни, энг аввало бозор иқтисодиётига ўтиш ҳамда қоғоз ва босмахона харажатлари кўтарилиши билан боғлиқ, деб изоҳлашмоқда.

Ҳар куни одатим бўйича бир неча номдаги кундалик нашрларни харид қиламан. Бунга бир неча ҳафталик ва ойномалар қўшилади. Ойлик маошимнинг маълум қисми маънавий озуқа учун кетиши табиий. Қайси куни ҳамкасбларимдан бири янги йилда ҳам мана шундай матбуот нашрларини олишим билан қизиқиб қолди. Рости, унга нима деб жавоб беришни билмадим. Агарда оладиган рўзнома ва ойномаларни янги нархда ҳисоблаб кўрсам, ҳар гал уларни харид қилишни чўнтагим кўтармаслиги аён.

...Айни кунда «Ёш ленинчи» 513500 нусха чоп этилмоқда. Кейинги икки-уч йилда унинг муштарийлар сони салкам 200 мингтага кўпайди. Айни кунда рўзномамизнинг обуначидан партия ва комсомол жамғармасига 2 миллион сўмга яқин маблағ келиб тушмоқда. Бу қоғоз, босмахона харажатлари, жамоанинг ойлик маоши, қалам ҳақи ва рўзномани тарқатиш учун кетадиган харажатлардан ташқари, албатта. Янги йилдан бошлаб, бу харажатлар янгича ҳисоб-китоб қилинади, фақат ижодий ходимларнинг ойлик маоши ва қалам ҳақидан ташқари. Агарда янгича ҳисобларни ҳозирги обуна баҳоси билан тенглаштирсак, янги йилдан бошлаб қарзга ботиб қолишимиз ҳеч гап эмас...

Янги обуна баҳоси юзасидан тортишувлар кўп бўлмоқда. Бу борада «Ёш ленинчи»нинг жонкуяр муштарийлари ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришяпти. Ҳар куни жумҳуриятимизнинг шаҳар ва қишлоқларидан телефон қўнғироқлари бўлиб, муштарийлар ўзларини қизиқтирган масалалар бўйича мурожаат этишаётир. Шуни айтиш керакки, аксарият муштарийлар обуна баҳосининг кўтарилганидан норози. Шуни яхши биламизки, «Ёш ленинчи»нинг ўқувчилари асосан қишлоқларда яшовчи кишилар. Уларнинг бугунги турмуш тарзи эса бизга маълум.

— Кўп йиллардан бери «Ёш ленинчи»га обунаман, — дейди Тошкентнинг Октябрь даҳасида яшовчи ўқитувчи У. Қодиров. — Янги йилдаги обуна нархлари бизни анча ўйлантириб қўйди. Наҳотки, ҳукуматнинг кучи матбуот нашрларига етган бўлса? Зеро, бекордан-бекорга совурилаётган миллион-миллионларга чек қўйилса, айни муддао бўларди.

— Янги йилдан бошлаб «Ёш ленинчи»га обуна бўлишдан кўра, унга ёзилмаслигимиз аниқ бўлиб қолмоқда, — деб ёзади самарқандлик илм толиби Илҳом Умаров. — Чунки олий даргоҳ толибасининг чўнтаги унга маълум. Унинг 12 сўми «Ёш ленинчи»га кетиши кўпгина умидларни пучга чиқаради. Агар рўзномани бирор сони зарур бўлиб қолса, уни дўкондан 8 тийинга оларман...

— Оиламиз аъзолари рўзномаларнинг ҳар бир сонини орзиқиб кутишади, — дейди жиззахлик шифокор С. Қосимов. — Аммо янги йилдан бошлаб обуна нархларининг ошиши бизни ҳушёр тортирмоқда. Аммо шунга қарамай, обуна бўлишга қарор қилдик. Зеро, эндиги кунда матбуот нашрларини танлаб ўқийдиган вақт келди.

Муштарийлар фикри ҳар хил. Шундай бўлиши табиий, албатта. Ҳаммани ҳам бир хилдаги матбуот нашрлари обуна қилиш қийин. Ҳар ким ўзи истаган ва маъқул кўрган рўзнома ва ойномаларга ёзилиш ҳуқуқига эга. Шу боис бизни рўзномамизнинг янги йилдаги ўрни ҳам ташвишга солмоқда. Унинг ҳар томонлама ўқимишли ва ҳозиржавоб қилиб чоп этиш биз билан сизга боғлиқ, албатта. Шу билан бирга рўзноманинг янги йилдан бошлаб бугунги кундаги чоп этиладиган нусхасини сақлаб қолиш ҳам йилдан. 1991 йилдан бошлаб дўконларга у кўпроқ нусхада чиқарилиши кўзда тутилмоқда. Аммо бунга ҳар ҳолда умид қилиш мушкул. Қолаверса, 8 тийинга рўзнома оладиган ўқувчи уни ўзи танлаб ҳал қилади.


Шу навбатида биз ҳам муштарийларнинг умидини пучга чиқармаслик ҳаракат қиламиз. Янги йил режамизда бир-биридан фарқ қиладиган муаммоли ва қизиқарли мақолалар ўрин олади. Янги ойнасўзлар дунёга келиши кутилмоқда. Рўзноманинг кўриниши ҳам кескин ўзгаради.

**ХЎШ, АЗИЗ МУШТАРИЙЛАР «Ёш ленинчи»ни янги йилда қандай ҳолда кўришни истайсиз! У сиз кутган масалани кўтара олиш қудратига эгами! Барча муштарийларимизни ана шу хусусда ўз фикрларини билдиришга чақирамиз. Зеро, сизнинг ҳам, бизнинг ҳам умидимиз саробга айланишини асло истамаймиз.**

Ислом УСМОН,
рўзнома бўлим мудири, таҳрир ҳайъати аъзоси.

Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотига номзодлар

# МАНГУЛИККА ДАХЛДОР



Ирода. У ҲАР КИМДА ҳар хил бўлади. Бировда кучли, бировда кучсиз. Баъзилар ўз иродасини бошқара олади. Ўта қийин шароитларда ҳам умидсизланмайди, яшашга интилади. Баъзилар эса бундан маҳрум. Қийинчилик олдида бош эгиб, ҳатто жонига қасд қилади. Қизиғи шундаки, ҳар бир кишининг ҳаётда топадиган ва тутадиган ўрни ана шу иродага боғлиқ. Буни кўпинча кеч тушунамиз. Ирода қанчалик мустаҳкам бўлса, инсон йўли шунча равон, истиқболли бўлади.

Акмалжон ўшанда бола эди. Кўчадан кирди дегунча уй тўрида турган суратга қараб қўярди. Шу зайл у ўзини санъатга, ижодга дахлдор қилиб бораётганини, бу йўлдаги қийинчиликларни енга оладиган иродани мужассам этаётганини сезмасди. Ойисининг айтишича, бобоси чизган бу суратдаги ўзига хос жозиба чиндан-да меҳрини уйғотарди, ҳаётга, завқини қўзғатарди.

Шу зайл у ўрта мактабни тугатгач, Беньков номли рассомлик билим юртига кирди. Ранг-тасвир бўлимида гўзаллик билан ошно бўлди. Ўзи ҳам узоқ тунлар рангларни «тил»га киритишга уринди, ижод қилди. Яратган асарлари кўпчиликка манзур бўлди. Кейин А. Островский номли Театр ва рассомлик санъати институтида таҳсил кўрди. Омади бор экан, СССР халқ рассоми Раҳим Аҳмедовдан сабоқ олди. Ижод машаққатларининг минг бир чиғириғидан дадил ўтган устоз унинг сирларини шогирдига меҳр билан ўргатди. Ҳаётини санъатдек бир чаманнинг боғи-эрамлари билан боғлашга аҳд қилган ижодкор унинг масъулиятини бир дақиқа ҳам унутмасди. Ижод, ўқиш, ўрганиш, яна ўқиш... Акмалнинг ҳар кунги вақти шу зайл ўтарди. У имкони борича устози уқтиргандек эркин ижодга, ўзига хос услуб яратишга интилди.

У айтганидек, битта йўналишни, аммо қийин йўналишни танлади: халқ дарди, ҳаётини аввалгиларга ўхшатиб бўяб эмас, балки борича ифодалаш. Масалан, у ўрганган китобларда, суратларда мўйқалам соҳиби катта, кенг, равон кўчани чизган бўлса, Акмал ўша кўчанинг ичидаги одамларни кўришга ҳаракат қилди. Бу жуда кўп қунт ва ирода талаб этарди.

Иродаси кучли бўлгани туфайли у дорилфунунни тугатгач, СССР Бадиий академия қошидаги ижодий устахонада (аспирантура) ўқишга қарор қилди. Бу ерда ранг-тасвир санъатининг «мана мен» деган мутахассисларидан маслаҳатлар олди, ўгитлар эшитди. У ердаги устозлар яратган асарларидаги ўзига хос томонларни меҳрибонлик билан таъкидлаб, уни истиқбол сари рағбатлантиришарди. Ана шулар эвазига Акмал Нуриддинов жумҳуриятимизда бошқалар мавзусини такрорламаган ҳолда, ўз услуби, ўз мўйқалами билан тилга тушди.

Мана унинг асарлари: «Қурбонлик», «Қабр», «Умид боғи», «Номоз» каби. Эътибор қилган бўлсангиз бугунги, айни инсон маънавиятида ижобий хислатларни тарбиялашда диннинг ўзига хос томони тан олинган пайтда бундай асарлар қанчалик аҳамият касб этишини айтиб ўтишга ҳожат йўқ.

Биз Акмалжоннинг иродасига ишора ҳамда касбига меҳри тарзида бир воқеани таъкидлаб ўтамиз. Айрим ижодкорлар яратажак маҳсулини олдиндан режалаштириб, хаёлий тарзда ҳам чизаверади. Бу мусаввирга ундай хислатлар бегона. Акмал кўпдан ҳар бир инсоннинг охир-оқибат бориб ётажак маконини чизишни ўйларди. Аммо у кўрмасдан туриб бунинг уддасидан яхши чиқолмаслигини ҳам биларди. Яна унинг иродаси қўл келди. У қазилган гўрга тушиб, маълум муддат ўзини мурда ҳолига келтирди. Қабрнинг қандай бўлишини ўз кўзи билан кўрди, ҳис қилди. Шундан кейингина «Қабр» асарини яратди. Бунинг учун инсонга чинакам жасорат керак. Яна шу нарсани айтиш зарурки, бошқа рассомларнинг кўргазмасига кирган киши асарлар олдидан бир назар ташлаб, гўзалликдан баҳраманд бўлиб ўтса, Акмалнинг расмларини кўрган томошабин беихтиёр вужудида ўзига хос уйғониш, юрагида сўроқлар, бир сўз билан айтганда ҳаётнинг, тирикликнинг залворли тўлқинларини сезади.

Мана бунга мисол: катта дарахт танаси. Унда кўзлар ифодаланган. Ортида қабристон. Дарахтнинг чап томонида пайшанба — арвоҳ капалаги. Ўнг томонида эса оппоқ кийимда руҳлар — жума куни ифодаланган. Муаллиф бу билан улуғ айём кунлари марҳумлар тирикларни йўқлашини, жума куни эса тириклар албатта руҳларни йўқлаши, зиёрат қилиши лозимлигини таъкидламоқчи. Бу суратни том мазмуни билан тушунган кимса унга бефарқ қаролмаслиги табиий. Ёки яна бир мисол: «Қурбонликда» деб аталади. Қора мато, унинг ўртасида қўй ётибди. Муаллиф ана шу деталь орқали ўз халқининг қўйдек юввошлигини ифодалаш билан бирга, халққа қарата ўзининг дилидаги сўзларини айтмоқчи бўлган.

Бу каби мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Ижодкор номи айни кунларда нафақат бизда, ҳатто хорижда ҳам маълум. Сентябрь ойида аввал Москвада тошкентлик беш мўйқалам соҳиблари Абдулҳаким Турдиев, Ғофур Қодиров, Фатҳулла Шокиров, Мухтор Исомов ва Акмал Нуриддиновларнинг ижодий кўргазмаси очилади. Кейин эса икки дўст Мухтор ва Акмалнинг шахсий кўргазмаси Голландияда намойиш этилади. Айни кунларда унинг 20 га яқин асари жумладан, «Руҳлар қўриқчиси» учлик асари, «Абадият», «Манзил», «Қурбонлик» ва бошқалар у ерга юборилди.

Ўтган йили мўйқалам соҳиби ёшлар ташкилоти қўмитаси йўли билан Югославияга борди ва сафар таассуроти асосида яратган беш асарини уларга тақдим этди. Ўшанда дунёнинг Голландия, Испания, Италия, Франция, Германия Федератив Жумҳурияти каби йирик мамлакатлари вакиллари ўзбек ёш рассоми Акмал Нуриддиновнинг асарларига завқ билан боқишганди. Скопленинг ўзида у Умар Ҳайём асарларига атаб учлик асар ва илоҳий булоқларга атаб битта сурат чизди.

Ёш ижодкор билан суҳбатлашар эканман, унинг фаолиятида биринчи навбатда эътиқод, динга бўлган ишончи ҳамда ўз халқига меҳру-муҳаббати алоҳида роль ўйнашининг гувоҳи бўлдим. Буни, айниқса, Фарғона воқеаларига бағишлаб яратган «Водий» асарида тўлароқ ифодалаган. Оддий уч пахсалик девор. У дарз кетган. Ҳудди ўша ердан қон оқаяпти. Пастда уйнинг куйган ёғочлари, деворда кетмон осиғлиқ турибди. Кетмонга занжир ўралган. Бир қарашда ҳар ким ҳам мазмунини англаб етиши қийин эмас. Турклар билан бир авлод эдик. Ижтимоий шароит (кетмон) меҳнат, меҳнатимиз роҳати бировларга кетаётганлиги туфайли дўстлигимиз дарз кетди. Ҳатто қон тўкилди. Бундай воқеалар бўлмаслиги учун миллатимиз, тарих давомида ўксиб келган ўзбек халқининг обрўсини ошириш лозим.

Ҳа, кейинги пайтда миллатлар ўртасидаги низолар сабабини тушуниш учун ҳам одамлар орасида бўлиш, маълум даражада ўрганиш керак. Истеъдодли рассом бунга вақт топади. Иродаси ҳам етади. Қолаверса, ҳар бир яратажак асарини турмуш ўртоғи санъатшунослик номзоди Камола Оқилова билан маслаҳатлашади. Янги асар керак бўлса танқид қилинади, унинг томонидан, керак бўлса мақталади.

— Дилингизда тугиб юрган муаммоларингизни ҳам биз билан баҳам кўраверинг, — деймиз унга.

— Жумҳуриятимизда иқтидорли ёш рассомлар етилмоқда. Аммо бирontамизнинг устахонамиз йўқ. Ўтган йили шахсан ўзим бир хоналик уйни ойига 50 сўмдан ижарага олиб, ижод қилдим. Бошқалар ҳам шу алфозда. Асли яхши асар яратиш учун кўнгил хотиржам бўлиши керак.

Мусаввир ўз асарларида чин инсонийликка, ёшлар тарбиясига ҳам ишора қилади. Унинг яқинда тоғаси вафот этди. Унинг хотирасига бағишлаб «Мангуликка дахлдор» деган асар яратди: оппоқ кийимдаги руҳ ислом динининг рамзи ярим ойга қўл чўзиб учиб бораяпти. Қўлида ҳеч вақо йўқ. Бу билан мўйқалам соҳиби Искандар Зулқарнайнинг ибратомуз васиятини таъкидлайди. У ўлими олдидан икки қўлимни тобутдан чиқариб қўйинглар, токи одамлар мендек подшо ҳам у дунёга ҳеч нарсасиз кетаётганимни кўришсин. Бойликка ружу қўйишмасин. Шукрона ва сахий бўлишсин, деганди. Кошки эди, ҳозир шундай бўлса. Ижодкор аксинча кун-кун пулдорларнинг, диёнатсизларнинг, айёрларнинг куни бўлиб қолганидан ўкинади. Порахўрлик, лўттибозлик кучаётганидан ташвишда. Буларнинг барчасига эса юқорида таъкидлаганимиздек, эътиқодсизлик, динни хурофот билан чалкаштирганимиз сабаб, албатта.

— Нима учундир қадимдан яратилган асарлар, масалан ўша уйингиз тўридаги бобонгиз яратган сурат ранги сира ўчмайди. Ҳозирги ранглар эса жуда тез ўчиб кетаяпти? Сабабини нимада деб биласиз? — сўраймиз ундан.


— Сабаби оддий. Еяётган озиқ-овқатимизда, яшаётган коинотимизда эмас, биз ишлатаётган рангларда ҳам кимёвий модда кўпайиб кетмоқда. Айниқса, давлат томонидан биз рассомларга бериладиган матонинг сифати жуда пасайиб кетган. У рангни ўзига тортади. Бу ўз навбатида санъат асарларимизнинг хорижий мамлакатлардаги ўрнини пасайтириб юборади. Яхши музейларни кўпайтиришимиз ва уларга алоҳида эътибор беришимиз лозим.

— Кечирасиз-у, динга қаттиқ ишонасиз, чамамда?

— Ўзбекман. Жуда ишонаман. Инсонни яратган бор, яратганнинг олдида савол-жавоб бор. Буни ўйлаб яшасак, бу қадар ёмонликларга бормасдик. Бу нарсалар одамни инсонийликка чақиради. Халқимиз жуда бой материалга, манбага эга. Биз улардан фойдаланишимиз мумкин. Эътиқодли бўлишимиз лозим.

Унинг дардлари ичида. Рассомчилик институтининг театр санъати институтидан ажралиб чиқиши пайти келганлигини, ёшларга чет мамлакатлар билан ўзаро битим орқали ижодий ҳамкорлик қилиш яхши натижалар гарови эканлигини, айниқса, дорилфунунда асосан Оврўпа ижодкорлари ҳаёти ўргатилиши аждодларимиз, халқимиз санъатига беписандлик эканлигини куйиниб гапирди. Аслида Афросиёб, Ҳирот мактаби тарихи биринчи навбатда ўргатилиши лозим, дейди у. Гапларида жон бор. Ҳозир шу даврга келиб, ўзбек халқи маданияти энг қадим маданиятлардан эканлиги, унинг олдида «Биз маданият олиб келганмиз» дегувчиларнинг тарихи ҳеч нарса эмаслиги энди аён бўлаяпти. Ҳали ҳам кеч эмас, хатоларни тузатишга имкон бор. Бунда Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотига муносиб номзод Акмал Нуриддиновга ўхшаган иродалилар фаол бўлишади.

**Муқаддас СОЛИҲ қизи.**



**СУРАТЛАРДА:** юқорида мусаввир Акмал Нуриддинов, пастда «Абадият» номли учлик асари.

## ТРЕНЕРЛАР ИСТЕЪФОГА ЧИҚИШДИ

Маълумки, Олмаотанинг «Қайрат» командаси футболчилари биринчи даврани анча муваффақиятсиз якунлашди.

Кетма-кет мағлубиятлар ростини айтадиган бўлсак, қозоғистонлик футбол мухлисларининг анча кўнглини чўктириб юборди. Ишқибозларнинг раъйини қайтаришдан ёмони йўқ экан. Бир вақтлар жуда қизиқарли ўйинлар кўрсатганда («Қайрат» олий лигада ўйнаб юрган пайтлари) сир эмаски, биз ўзбекистонликлар ҳам бу командани сидқидилдан олқишлардик. Афсус...

Команда бош тренерлигига Станислав Каминскийни сайланганини ҳаммамиз суюниб қаршилагандик. Чунки уни жумҳуриятимизда ҳамма яхши билади. Унинг «Пахтакор»га ҳам анчагина меҳнати синган. Командамизнинг ўзини ўнглаб олишида, маҳоратли ўйинчилар тарбиялаб етиштиришда бу тажрибали тренернинг ўзига хос ўрни борлигини ҳалигача хўрсиниб эслаймиз. Бу орада уни «Қайрат»га бош тренерликка чақиришди. Эшитиб, бошимиз осмонга етди. Боиси, олий лигада Ўрта Осиёдан яна иккита команда тўп суриб юрса, бунинг нимаси ёмон?

22 август куни «Қайрат» — «Металлург» учрашуви олдидан команда тренерларининг бутун состави истеъфога чиқди. Бу кутилмаган воқеа бизнингча олмаоталикларни унчалик ҳайратга солмаган бўлса ажабмас.

Шу куни Запорожьега команда Қозоғистон футбол Ассоциацияси раиси ўринбосари Тимур Сегизбоев раҳбарлиги остида жўнаб кетди. «Қайрат»нинг собиқ ўйинчиси, олий тренерлар мактаби тингловчиси Қурбон Бердиев унга ёрдамчилик қилди. Ўйин эса «Металлург» фойдасига (4:1) ҳал бўлди...

* * *

Биринчи лигада навбатдаги тур ўйинлари бўлиб ўтди. Ана шу учрашувлар натижалари билан танишинг:

«Зенит» — «Кузбасс» — 2:0, «Нефтчи» — «Локомотив» М — 0:0, «Нистру» — «Қайрат» — 0:0.

Тошкентнинг «Пахтакор» командаси футболчилари Запорожье шаҳрида «Металлург»га қарши майдонга тушдилар. Ўйин 1:0 ҳисобида «Металлург»нинг ғалабаси билан тугади. Пахтакорчилар иккинчи бўлимда ҳисобни тенглаштиришга ҳаракат қилдилар. Лекин мезбонлар командаси ҳимоячилари ўз дарвозалари олдида мустаҳкам туришди. Шу куни «Пахтакор» сафида илк марта синовдан ўтказилган янги ўйинчилар Н. Ҳасанов, С. Турсуновлар ҳақида ҳозирча умид қиладиган гап айтишга эрта.

Ҳамюртларимиз навбатдаги ўйинни 1 сентябрь куни ўз майдонида Ленинграднинг «Зенит» командаси билан ўтказади.

## ТВ

**29 АВГУСТ — ЧОРШАНБА**

● **ЎзТВ I**

11.30 «Тарихий обидаларимиз — бебаҳо бойлигимиз». Кинопрограмма. 12.30 «Дунё кезган либослар». «Баҳор» ансамбли ҳақида. 13.25 Такрорий фильмлар экрани. «Зудов, ишдан бўшатилдингиз». Бадиий фильм.

* * *

17.30 Кўрсатувлар тартиби. 17.35 Янгиликлар. 17.40 «Чанқовни қондириб». Телефильм. 18.00 Болалар учун. «Хайр, пионер ёзи». 18.30 «Футбол чорраҳаларида». 19.00 «Халқ истеъмоли моллари». Андижон вилоятидан кўрсатув. 19.30 «Ахборот» (рус тилда). 19.50 «Ёзувчи ва замон». 20.30 Москва. «Вақт». 21.00 «Камолот сари». Абдумутолиб Зуҳриддинов ва Зулҳумор Қодирова. 21.45 Халқ депутати Карим Баҳриев сўзлайди. 22.00 «Ахборот». 22.20 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Ёшлик оқшоми». 23.30 «Самурайлар байроғи». Бадиий фильм. 2-серия. 00.40 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

**ЎзТВ II**

18.05 «Менга мактуб ёз». Телефильм. 18.20 Дилени. «Асал таъми». «Дард» театр-студиясининг спектакли (рус тилида).

**ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:**

20.30 Москва. «Вақт». 21.00 «Кароматулло Қурбонов куйлайди». Мусиқий кўрсатув. 21.50 «Панди ниёгон». 22.00 «Ахбор». 22.20 «Ҳаёти деҳот». Тележурнал. 23.00 «Дульсинея Тобосская». Телевизион бадиий фильм. 1-серия (рус тилида).

● **МТ I**

6.00 «120 минут». 8.05 «Ўртадаги киши учун лифт». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм премьераси. Иккинчи кўриниш — «Бошлиқ», Учинчи кўриниш — «Ўртоқ Архипов». 9.15 «Сўз». Адабий-бадиий программа. 11.15 «Нимаики дилда бўлса...». Шоир М. Матусовский хотираси. 12.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати.

* * *

15.45 «Мусиқий хазина». И. Брамс. Концерт. 16.25 «Излар». Ҳужжатли фильм премьераси. Бадхиз қўриқхонасининг муаммолари ҳақида («Туркманфильм»). 16.45 «Тимка ва Димка». Мультфильм. 16.55 Болалар соати (инглиз тили дарси билан). 18.00 «Вақт» Янгиликлар телевизион хизмати. 18.30 «Ўсимликлар саргузаштлари». Кўп серияли телевизион илмий-оммабоп фильм. 9-серия — «Уруш ёки яраш». 19.00 «Инсон ва қонун». Ҳуқуқий видеоканал. 20.00 «Ўртадаги киши учун лифт». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм премьераси. Иккинчи кўриниш — «Бошлиқ». 20.30 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 21.00 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар). 21.05 Долзарб интервью. 21.15 «Глембаи». Уч серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия (Югославия). 22.00 Телевизион ҳужжатли фильм. 23.00 «ТСН». Янгиликлар телевизион хизмати.




Муҳаррир Жаббор РАЗЗОҚОВ.

«Ёш ленинчи»

«Молодой ленинец» орган ЦК ЛКСМ Узбекистана
Издаётся на узбекском языке.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ.

ТЕЛЕФОНЛАР:
ҚАБУЛХОНА — 32-56-58
ХАТЛАР БЎЛИМИ — 32-54-65.
ИНДЕКС: 64607.
513500 НУСХАДА ЧОП ЭТИЛАДИ.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.
1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12
Д. — 235511.